

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ

*Ўзбекистон тарихи фанидан
давлат аттестация саволлари
юзасидан услубий кўрсатма*

GFК № 36

Самарқанд 2009

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ

*Ўзбекистон тарихи фанидан
давлат аттестация саволлари
юзасидан услубий кўрсатма*

Самарқанд 2009

943(082)
У-34

Ушбу услубий кўрсатма «Гуманитар фанлар» кафедрасининг йигилишида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган. Баённома №5 2009 йил 6 январ.

Институтнинг 80-йиллик юбилейига бағишланди.

Тузувчилар: доцент Л.У. Жамолов,
доцент О. Турғунбоев,
доцент Х.Нормуродов,
катта ўқитувчи Ж.Сайфиддинова,
т.ф.и. катта ўқитувчи А.Э. Тойиров,
доцент в.б. Д.Аберкулов.

Такризчилар: Самарқанд Давлат Университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси
доценти Р. Ҳоликулов.

SamQXI Axborot
resurs markazi
№ 343599
2

Ким бўлишидан каътий назар, жамиятнинг хар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, хар хил аъкидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустахкамлайди.

И. А. Каримов.

Кириш

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин ижтимоий фанлар, хусусан тарих фанида ҳам янгиланиш жараёни бошланди. Хакконий тарихни яратиш давр талаби сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент И. Каримовнинг 1998 йил 26 июнда Респубикамининг бир гуруҳ тарихчи олимлари билан учрашуви ҳамда унинг мантикий давоми бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори Ўзбекистон тарихини ҳолисона ўрганиш учун кенг имкониятлар очиш билан бирга, концептуал ва назарий жиҳатдан янгича қарашлар учун муҳим асос бўлди. Тарихга назар ташласак халқ тақдири учун қайгурган ватандошларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Жадид мунавварқорилар ўзликни англашда тарих фани ахамияти ўта муҳимлигини ҳисобга олиб, ушбу фанни тарғиб қилишга катта эътибор беришган.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртлари, касб ҳунар коллежларида «Ўзбекистон тарихи» фанидан давлат имтиҳонлари ўтказилаётганлиги учун талабаларга бу борада кўмаклашиши мақсадида ушбу услубий кўрсатма тайёрланди. Услубий кўрсатмада талабаларга Ўзбекистон тарихини 6 та йирик даври бўйича билимларни мустахкамлаш учун тавсиялар берилган.

1. ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ

Тарих – арабча сўз бўлиб «ўтмиш» ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилиш маъноларини англатади. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети халқимизнинг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунларгача босиб ўтган узок ва мураккаб тарихий йўлини, ижтимоий сиёсий, иқтисодий маданий ва маънавий ҳаётини ҳолисона ўрганишдан, тушунтиришдан иборатдир.

Инсоният тарихини, тарихий воқеа, ходисаларни тўғри ёритиш ва ўрганиш учун бир қатор муҳим назарий методологик тамойилларга таянилади. Булар куйидагилардан иборат:

1. Диалектик метод тамойили.
2. Холисона, ҳаққоний, илмий ёндошишлар тамойили.
3. Тарихийлик тамойили.
4. Ижтимоий ёндашув тамойили.
5. Ворисийлик тамойили.

Ўзбекистон тарихи куйидаги йирик даврларга бўлинади:

1. Ибтидоий жамоа тузуми; 2. Қадимги давр: давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши; 3. Ўрта асрлар даври; 4. Россия империяси мустамалакчилиги даври; 5. Мустабид Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври; 6. Миллий истиклол даври.

Тарих манбаларга таянган ҳолда ўрганилади. Манбалар икки турга яъни моддий ва ёзма манбаларга бўлинади. Моддий манбалар меҳнат қуроллари, танга пуллар, қаьлалар, шаҳарлар ва ҳоказолар қиради. Ёзма манбаларга эса ёзув белгилари, тошга, терига, қоғозга ёзилган, маълумотлар, халқлар ҳаёти, юз берган ходиса ва воқеалар ҳақида ёзилган китоблар ва бошқалар қиради. Масалан тарихимиз тўғрисидаги энги қадимги манба авестода ёзилганидек Нманapati номи билан юритилган. Нмана – қатта оила жамоаси демакдир. Pати -- оила бошлиғи маъносини англатади. Агар ана шу тизимга асосланадиган бўлсак, Сополли тепа саккизта нманадан ташкил топган Вис эканлигини кўраимиз. Вис – қабила жамоаси, қатта қишлоқ дегани. Виспати эса анна шу нманаларни бирлаштирган олий кенгаш бошлиғи, қабила оқсоқоли қатта қишлоқнинг бошлиғидир. Бу шундан далолат берадики, ишлаб чиқариш жамоаларини бошқариш мўътабар зотлар – оқсоқоллар (Нманapatiлар) кўлида бўлган. Улар жамоа ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни оқсоқоллар кенгаши орқали амалга оширганлар.

Ватан тарихини ўрганиш, миллий ўзликни англашда ёшларга миллий истиклол ғоясини сингдиришда, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро инсонни ўзлиги унинг хотираси билан белгилангани қаби, миллатнинг ўзлиги ҳам унинг тарихи, маънавияти билан белгиланади.

Жаҳонда ўзбек халқи қаби залворли тарихий ўтмишга эга халқлар санокли бўлиб, ёшларга ватан тарихини сингдириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Энг қадимги инсон манзилгоҳлари Жанубий Африкадан топилган австралопитеклар, Шарқий Африкадаги зинжантроплар, Индонезиянинг Ява оролидаги птекантроплар, хитой худудидаги синантроплар (Ўзбекистон худудидаги айнан шу даврга оид Фарғона водийсини Сулунгур ғоридан топилган фергантроплар) бўлиб, ушбу манзилгоҳлар археологик даврлаштириш нуқтаи назаридан илк палеолит қадимги тош асри даврига оиддир. Ушбу давр одамлари гала-гала бўлиб яшаганлиги учун ҳам ибтидоий гала даври деб номланади. Одамзод асосан териб термалаб овчилик билан тирикчилик қилишган. Бу жараён фанда ўзлаштирувчи хўжалик деб номланади. Синантроплар ўз ўтмишдошларидан ўткир қиррали тош қуроллари табиий оловдан фойдаланиш билан ажралиб турган. Ушбу давр хронологик жиҳатдан миллоддан аввалги 3-2 минг йилликдан, миллоддан аввалги 100 мингинчи йилгача бўлган узок даврни ўз ичига олади. Одамзод томонидан фойдаланилган дастлабки меҳнат қуроли кул чуқмори ҳисобланган. Илк палеолит даврининг охирида бошланган музлик даври мезолит давригача давом этган. Ўзбекистон худудидаги илк палеолит манзилгоҳлари Фарғона водийсининг Сўх туманидаги Селунгур ғори ва Тошкент вилояти Ангрен шаҳри яқинидаги Қулбулоқ макони ҳисобланади.

Ўрта палеолит даври хронологик жиҳатдан миллоддан аввалги 100-40 мингинчи йилларни ўз ичига олади. Германиянинг неандерталь воҳасидан топилган неандертал одам манзилгоҳи ушбу даврга оид ҳисобланади. Ўзбекистон худудида Ўрта палеолит даврига оид манзилгоҳлар санокли бўлиб, булар Сурхандарё вилояти Тешиктош яқинидаги Амир Темур ғори, Тошкент вилоятининг Хўжакент, Обираҳмат, Самарқанд вилоятининг Омонкутон, Қутирбулоқ, Зирабулоқ ғорларидан, Навоий вилоятининг Учгут деб аталган тоғ ён бағирларида Унгур ва булоқ ёқаларидан ва бошқа худудлардан топиб ўрганилган. Ўрта палеолит даврида одамлар вафот этганларни дафн этишган. Бу эса нариги Дунё ҳақида илк тасавурлар пайдо бўлаётганлигини кўрсатади. Бу даврда суъний олов кашф этилган. Канибализм (одамхўрлик) авж олган.

Сўнги палеолит даври инсоният тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб айнан шу даврда антропогенез (инсониятни келиб чиқиш ва ривожланиш жараёни) ниҳоясига етди. Ушбу давр миллоддан аввалги 40-12 мингинчи йилларни ўз ичига олади. Францияни Кроманьон ғоридан топилган кроманьон одамининг манзилгоҳи шу вақтга тегишли бўлиб, Ўзбекистон

худудидан Самарканд шаҳри яқинидаги Сиёбча сойи, шунингдек Тошкент, Сурхандарё вилоятлари, Фарғона водийсидан одам манзилгохлари топилган. Ушбу даврдан бошлаб Хомо Хабилес (ишбилармон одам) ўрнини Хомо Сапинес (онгли одам) эгаллаган. Бундан ташқари бу вақтда меҳнат қуроллари такомиллашиб борган. Ирклар шаклланган, ибтидий дин турлари анимизм, тотемизм, фетинезм, магия шаклланган ибтидий саънат вужудга келган. Кўшимча ўзлаштирувчи хўжалик балиқчилик ривожланган сўнги палеолит даврининг охирида ибтидий гала даври ниҳоясига етиб уруғчилик даврининг биринчи босқичи матриархат (она ҳукмронлиги) бошланди.

Мезолит – Ўрта тош асри хронологик жихатдан 12-7 мингинчи йилларни ўз ичига олиб, улкан музлик даврни тугаши билан бошланган. Ўзбекистон Ушбу даврга оид манзилгохлар сирасига Фарғона вилоятидаги Обишир, Тошкент вилоятидаги Қўшилиш, Сурхандарё вилоятидаги Мачай ёри кирди. Бу вақтдаги энг муҳим кашфиётлардан ўқ-ёй камон жорий этилиши миллиоддан аввалги 10 мингчи йилларда итнинг одамзод томонидан хонақилаштирилиши мезолит даврининг охирида ибтидий дехқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлишини таъкидлаш жоиз. Сурхандарё вилоятининг Зараутсой дарасидан қоятош суратлари топилган.

Янги тош асри бўлган неолит даврида инсоният тарихида салмоқли ўзгаришлар бўлди. Матриархат – она ҳукмронлиги гуллаб, яшнади. Мезолит даврининг охирида пайдо бўлган ишлаб чиқарувчи хўжалик (деҳқончилик, чорвачилик) тараққий этди. Қулоччилик, тикувчилик, кemasозлик вужудга келди. Оламлар доимий яшайдиган қишлоқлар пайдо бўлди. Тошболта ва сопол буюмлардан кенг фойдаланилганлиги учун ушбу давр «тошболталар» ҳамда сопол асри деб ҳам аталади. Неолит даври миллиоддан аввалги 6-4 мингинчи йилларни ўз ичига олади. Хоразм вилояти худудидаги Қалтаминор, Самарканд вилояти Сазагон қишлоғи ёнидаги Сазагон маконлари Ўзбекистон худудидан топилган энг муҳим манзилгохлар ҳисобланади.

Энеолит – мис тош асри миллиоддан аввалги 4-3 мингинчи йилларни ўз ичига олиб, мис инсоният томонидан ўзлаштирилган дастлабки табиий металл ҳисобланади. Ушбу даврда Марказий Осиё жанубида суғорма деҳқончилик пайдо бўлди. Мис юмшоқ бўлганлиги учун одамлар мис, калай, кўрғошин аралашмасидан суъний металл бронза (жез) ни кашф этишди. Бу жараён миллиоддан аввалги 3 мингинчи йилни ўрталарида юз берди. Бронза даврида дастлабки меҳнат тақсмоти яъни деҳқончиликдан чорвачилик

ажралиб чиқди. Энеолит даврида матриарахт – она ҳукмронлигидан, патриархат ота ҳукмронлигига ўтилди. Энеолит даври манзилгоҳларига Бухоро вилоятидаги Замонбобо, Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидаги Саразм ҳисобланади. Бронза даври манзилгоҳларига Сурхандарё вилоятидаги Сополли тепа, жарқўтон, Хоразм вилояти ҳудудидаги Тозабог'ёб маданиятларини киритиш мумкин.

Меҳнат қуроллари тақомиллашиб бориши ортиқча маҳсулотни пайдо бўлишига, ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлиши эса жамиятда хусусий мулкни, синфий тенгсизликни пайдо бўлишига олиб келди. Миллоддан аввалги I мингинчи йилликдан бошлаб инсоният темирни кашф этди. Ўзбекистон ҳудудида эса бу жараён миллоддан аввалги 9-8 асрларда рўй берди. Темир даврида иккинчи ижтимоий меҳнат тақсмоти яъни деҳқончиликдан хунарамандчилик ажралиб чиқди. Уруғчилик даври тугаб, ҳудудий кўшни жамоага ўтилди. Худди шу даврдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида синфий синфий тенгсизликни пайдо бўлиши натижасида кохинлар, чорвадорлар, ҳарбийлар, хунарамандлар каби турли ижтимоий қатламлар шаклланди. Шундай қилиб жамиятда Ота уруғи – патриархат мил.авв. III минг йилликда пайдо бўлган бўлиб, унинг сабаби деҳқончиликнинг ривожланиши ва меҳнат қуроллари тақомиллашиши кўп иш кучи талаб қила бошлади. Натижада бу ишлар эркакларнинг зиммасига тушади ва она уруғи – матриархатнинг роли пасайиб, ота уруғининг роли кучая бошлайди. Ота уруғи даврида иккинчи ижтимоий меҳнат тақсмоти – темирчилик пайдо бўлди. Натижада кишиларнинг меҳнатининг самарадорлигини оширди. Ота уруғи даврида моноган оила пайдо бўлди. Ота уруғи даврида одамлар темирни ўзлаштириб олдилар.

Таянч иборалар:

Ибтидоий жамоа, уруғчилик даври, матриархат, патриархат, ўзлаштирувчи хўжалик, ишлаб чиқарувчи хўжалик, Хомо Хабилес, Хомо Сапинес, палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза, темир, ибтидоий дин, ижтимоий табака, синфий тенгсизлик, хусусий мулк, ортиқча маҳсулот, Мнана, моноган оила, 1-2 меҳнат тақсмоти.

Саволлар:

1. Ватан тарихини ўрганиш бугунги кунда нима учун долзарб аҳамиятга эга?

2. Сўнги палеолит даврида инсоният тарихида қандай муҳим ўзгаришлар бўлди?

3. Мезолит даврида ўқли қамонни кашф этилиши одамлар ҳаётида қандай ўзгаришларга олиб келди?

4. Нима учун орқича маҳсулотни пайдо бўлиши синфий тенгсизликни юзага келтирди?

Адабиётлар

1. И.Каримов - «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент, Шарк, 1998 й.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қонституцияси». Тошкент, Ўзбекистон, 1992 й.

3. К. Усмонов ва бошқалар - «Ўзбекистон тарихи». Тошкент, Иқтисод молия, 2006 й.

4. А. Аскарлов - «Ўзбекистон тарихи». Тошкент, Ўзбекистон тарихи, 1994 й.

II. ҚАДИМГИ ДАВР: ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

Синфий тенгсизликни вужудга келиши дастлабки давлат бирлашмаларини вужудга келишига олиб келди. Мил. авв. VII-VI асрларда яъни Эрон Ахмонийлари босиб олгунга қадар Ватанимиз ҳудудида Эта: Катта ёки қадимги Хоразм, қадимги Бактрия, саклар ва массагетлар конфедерацияси кўринишидаги дастлабки давлатлар бўлган. Собиқ совет тарихшунослигида Марказий Осиёни Эрон Ахмонийлари босиб олгунга қадар давлат бўлмаган деган фикр устувор эди. Катта Хоразм давлатини маркази Қўзалиқир, қадимги Бактрия давлати маркази Бактра (Хозирги Афғонистон шимолидаги Балх) шаҳри ҳисобланган. Қадимги Бактрия давлатига Бактриядан ташқари Сугдиёна ва Марғиёна ҳам кирган. Ушбу давлатлар конфедератив типдаги давлат бирлашмалари эди.

Мил. авв. 530 йилда Эрон Ахмонийлари шоҳи Кир II (Қурум) ва массагетлар маликаси Тумарис Ўртасидаги жангда массагетлар ғолиб келди.

Кир II ўлдирилди. Бу ҳақда Юнон тарихчиси Геродот ўзининг тарих китобида маълумот беради. Мил. авв. 522 йилда Марғиёнада Фрада бошчилигида Дорос I (Доровуш) бошчилигидаги Эрон Ахмонийларига Қарши қўзғолон бўлди. Полиен ўзининг ҳарбий хийлалар асарида саклар отбоқари Широқ жасорати ҳақида маълумот беради. Тошкент, Фарғона водийси ҳудудлари Ахмонийлар зулмини кўрмаган. Ватанимиз ҳудудида Эрон Ахмонийлар ҳукумронлиги 200 йилга давом этди.

Эрон Ахмонийлари зулмини тугаши Александр Македонский (Шарқда Искандар Зулқарнайн-икки шоҳли деб аташган) бошлиқ юнон македонларни ватанимиз ҳудудига бостириб келиши билан боғлиқ. Босқинчиларга қарши Сугдиёналик Спитамен мил. авв. 329-327 йилда озодлик уруши олиб борди. Юнонлар Зарафшон дарёсини Политимет деб аташган. Юнонлар босқини бошланиши билан эллинизм (Юнон маданиятини Шарққа ёйиши, аралаш маданиятни таркиб топиши) бошланди. Хоразм шоҳи Фарасмани тадбиркорлиги туфайли Хоразм шунингдек, Тошкент, Фарғона водийси) ўз мустақиллигини саклаб қолди. Юнонлар мамлакатимиз ҳудудида 12 шаҳар қуришган.

Александр Македонский мил. авв. 323 йилда Бобилда вафот этди. Унинг Империяси учга бўлинди. Мил. авв. 312 йилда ташкил топган салавкийлар давлатига мамлакатимиз ҳудудлари (Сугдиёна, Бактрия, Марғиёна) ҳам кирган. Мил. авв. 293 йилда Салавкани ўғли Антиох (унинг онаси Спитаменнинг кизи Апама бўлган) Шарқий ерлар ҳукмдори, мил. авв. 280 йилда (Салавка ўлиmidан кейин) Салавкийлар давлати ҳукмдорига айланди. Мил. авв. 250 йилда Салавкийлар давлатидан Юнон - Бактрия ва Парфия ажралиб чиқди. Салавкийлар давлати кучсизланди.

Зардуштийли (Оташпарастлик) динини Ватанимиз ҳудудига тарқалганлигига 2700 йилдан ошди. Ушбу диннинг муқаддас китоби «Авесто» (катъий белгиланган қонун-қондалар деган маънони англатади) 21 китобдан иборат бўлиб Абу Райхон Берунийни ёзишича 12 минг қора мол терисига зарҳал харфлар билан битилган. Мавжуд 21 китобдан бизгача «Готлар» «Яшина», «Вандидот», «Яшитлар», «Виспурад», кичик Авесто каби китоблари бизгача етиб келган. «Авесто» Ўзбекистон тарихини ўрганишда энг қадимги манба ҳисобланади. Авестода жамият таркиби қуйидагича бўлинган: Нмана – катта патриархал оила, Вис – Уруг жамоаси, Варзана – кўшни жамоа, Занту – қабилалар уюшмаси, Дохию – қабилалар иттифоқи.

Зардуштийлик динининг асосий мохияти яхшилик, эзгулик худоси Ахурамазда билан ёвўзлик тимсоли Ахриман Ўртасидаги доимий курашдан иборат. Зардуштийлик динини пайғамбари Зардуш исмини маъноси Олтин туяли ёки Олтин туя етакловчи деган маънони англатади. У 30 ёшида ўз ғоясини тарғиб қилган. Зардуштийлик дини Марказий Осиё ва Эрон халқларини қадимий диний эътиқоди ҳисобланади. Сугд, Чоч (Тошкент) Хоразм мамлакатимиз худудига асосий оташпараст худудлар эди. Зардуштийлик дини пайдо бўлиши масаласида олимлар Ўртасида ягона фикр йўқ. Баъзи олимлар Ушбу дин дастлаб, Марказий осийёда, аниқроғи Хоразмда пайдо бўлган деса, баъзилар «Авесто» ни қадимги дехлавий (Эрон) тилида ёзилганлигига асосланиб, унинг ватани Эрон деган хулосага келади. Аммо «Авесто» да тилга олинган 16 та худудни аксарияти Марказий Осиё худудига таалуқлидир. Хиндистонни тоғли худудларида бугунги кунда ҳам Зардуштийлик динига эътиқод қилувчи қабилалар мавжуд. Оташпарастлик дини белгилари бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Масалан: келин куёвларни олов атрофида айлантириш.

Парфия давлати ҳозирги Эроннинг шимоли, Туркменистонни жанубий қисмини ўз ичига олиб мил. авв. 250 йилда Салавкийлар давлатидан ажралиб мустақилликка эришди. Ушбу давлатга Парн, Дах қабилалари асос солишди. Мамлакат пойтахти дастлаб Гекатомпил мил. авв.255 йилда Римликлар устидан ғалабага эришилгандан кейин Ктесифонга кўчирилган. Милодий 224 йилда Парфия давлати барҳам топди. Унинг ўрнини Эрон Сосонийлари давлати эгаллади.

Парфия давлати билан бир вақтда Юнон- бактрия давлати ҳам Салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиб мустақилликка эришди. Диодот бошчилигидаги юнонлар мустақил Бактрия давлатига асос солди. Мил. авв. 212 йилдан бошлаб Юнон-Бактрияда евтидемийлар сулоласи ҳукумронлиги бошланди. Ушбу давлатни энг ривожланган даври Демитрий (мил. авв. 199-167 йиллар) даврига тўғри келади. Гелиакл ҳукумронлиги давридан бошлаб мамлакат заифлаша бошлади. Барча Юнон –Бактрия ҳукмдорлари ўз номларидан қумуш, мис тангалар зарб этишган. Мил. авв. 140-130 йилларда кўчманчи Юэчжи қабилалари зарбаси остида 120 хукм сурган Юнон-Бактрия давлати барҳам топди.

Канг давлати милл.авв. III асрдан, миллодий III асргача фаолият юритган. Канг давлатига сака тиграхаудалар (узун учли калпоқ кийиб юрувчи

сақлар) асос солган. Унинг пойтахти хозирги Тошкент вилояти Оққуғон туманидаги Кангдиз (Хитойлар билан) шаҳри бўлган. Канг давлати аҳолиси кангарлар деб аталиб, улар жангавор халқ бўлган. Парқона давлатини Хитойлар хужумидан мудофаа қилган. Ушбу давлат ҳақида Хитой манбалари маълумот беради. Унинг худуди хозирги Тошкент вилояти, Қозоғистонни Чимкент вилояти, Сирдарё бўйларида жойлашган. Ушбу давлат ҳақида тарихчи олим Карим Шониёзов «Канг давлати ва Кангарлар» деган китоб ёзган.

Парқона (Хитой манбаларида давон) давлати мил.авв. 3 асрдан милодий 2 асргача фаолият юритган. Унинг пойтахти Эриш шаҳри бўлган. Ушбу давлат ҳақида дастлаб академик Ахмадали Аскарлов Ўзбекистон тарихи китобида маълумот беради. Парқона давлатида аёллар мавқеи кучли бўлган. Хитойликлар Парқона давлатини қон билан терлайдиган самовий отларини қўлга киритиш учун милл.авв. 104-102 йилларда хужум қилиб бу ердан самовий отлар билан беда уругини олиб кетишганлиги, пойтахт Эришни вайрон этишганлиги манбаларда қайд этилади. Аммо Канг давлати Парқона давлатини Хитойликлардан химоя қилишган.

Юнон-Бактрия давлати мил.авв. 140-130 йилларда қучманчи Юэчжилар зарбасидан парчалангандан кейин Юэчжилар 5 та қабилага бўлиниб, улар Ўртасида ҳокимият учун курашда Гуйшуан қабиласи ябғуси (хукмдори) Куджулла Кадфиз галаба қозонган. Кушон давлатини дастлабки пойтахти хозирги Сурхандарё вилояти Шурчи туманидаги Далварзинтепа эди. Кудзулла Кадфиз даврида Афғонистон ва Кашмир қўшиб олинди. Вима Кадфиз даврида танга зарб этиш жорий этилди. Кушон давлатини энг ривожланган даври Канишка (милодий 178-123 йиллар) даврига тўғри келади. Уни даврида Пойтахт Далварзинтепадан Пешварга қўчирилди. Будда дини давлат дини деб эълон қилинсада, бошқа динларга ҳам эътиқод қилиш эркинлиги берилди. Кушон давлати даврида чигир кашф этилди. Каттакургон, Кеш, Косонсой шаҳарлари Кушон давлати даврида қўрилганлиги манбаларда қайд этилади. Айритом, Холчаён, Далварзинтепа, Фаёзтепа каби ёдгорликлар Кушон давлати даврига хосдир. Бир қанча ёзув турлари бўлиб, Кушон ёзуви бурчак, туртбурчак шаклида бўлган. Кушон давлатини парчаланиши билан эллинизм даври ниҳоясига етди.

Ўзбек халқининг этник шаклланиши жараёни узок давом этган жараён ҳисобланиб, уни 3 босқичга бўлиш мумкин. 1 чи босқич Ватанимиз

худудидаги қадимги ўтроқ халқлар бўлган Хоразмликлар, Сугдлар, Бактрияликлар, Кучманчи чорвадор халқлар саклар, массагетлардан бошланиб, араблар босқинигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда шимолдан келган, хионий, кидарий, эфталий каби туркий қабилалар кириб келиши натижасида сугдийларни туркийланиш жараёни натижасида VII асрдан бошлаб Марказий осийё худуди Туркистон деб атала бошланди. 2 босқич X-XII асрларни ўз ичига олиб, бу даврда ўзбек халқи (элати шаклланди. Қорохонийлар давлатининг ташкил топиши натижасида худудга 20 га яқин туркий қабилалар кириб келди. Ниҳоят 3 чи босқич XVI асрда Шайбонийхон бошчилигидаги дашти қипчоқ қабилаларини кириб келиши билан боғлиқ. Ўзбек қабилалари ушбу худудда яшаётган бир бирига қариндош бўлган туркий қабилаларга ўзбек номини берди. Аслида ўзбек қабиласи 92 ўзбек қабиласини бири эди. Ўзбек номини келиб чиқиши ҳақида бир қанча фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар ушбу атамани Дашти Қипчоқ задогонларидан бўлган Ўзбекхон номи билан боғласалар, баъзилар ушбу атамани угиз қабиласи билан Угизбек сўзидан ўзбек келиб чиққан деган фикр билдиради. Ҳозирча аниги Ўзбек халқи бу номни XVI асрдаги ўзбек қабиласидан олган деган фикр устивор.

Улкамизда Буюк Ипак йўли ташкил топмасдан аввал мил.авв. III-II мингинчи йилда Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшон лазуритига эҳтиёж туфайли Ложувард (лаъл) йўли мавжуд бўлган. Милл.авв. VI-IV асрларда Эрон Ахмонийларини «Шоҳ йўли» утган. Буюк Ипак йўли хронологик жиҳатдан мил.авв. II асрдан , милодий XVI асргача фаолият юритган. Ушбу йўлнинг пайдо бўлишига Хитой императори У.Дини марказий Осиёга юборган элчиси Чжан Цянни босиб утган йўли асос бўлган. Ушбу йўл 12 минг чақирим бўлиб Буюк Ипак йўли деган номни 1877 йилда немис олими Фердинанд Рихтгафен киритган. XIII аср бошида , муғуллар босқини даврида Буюк Ипак йўли барҳам топган. Аммо Амир Темур даврида қайта тикланган. Ушбу йўл нафақат савдо йўли, балки Шарқ ва Ғарбни боғловчи маданият ва янгиликларни ташувчи йўл ҳам ҳисобланган. Буюк Ипак йўли анъаналари бугун ҳам давом этиб, у Трасека деб номланмоқда. Президент И.А. Каримов 1996 йилни 8 сентябрида Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича конференцияда иштирок этди.

Таянч иборалар

Қадимги Бактрия, Қадимги Хоразм, Парфия, Юнон-Бактрия, Кушон подшолиги, Канг, Паркона, Авесто, Буюк Ипак йўли, Зардуштийлик, Кўзаликир, Бактра, Салавкийлар. Антиох, Деметра, Канишка, Ахурамазда, Ахриман, Ҳолчаён, Фаёзтепа, Ложувард йўли, Шох йўли, Диодот

Адабиётлар

- 1.Каримов.И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, Шарқ, 1998 йил.
- 2.Усмонов К. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, Иқтисод-молия, 2006 йил.
- 3.Бойназаров Ф. Антик Дунё. Тошкент Мехнат 1989 йил.
- 4.Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб, Тошкент, Фан, 1992 йил.
- 5.Махмудов Т.А. Авесто ҳақида. Тошкент, Фан, 2000йил.

Саволлар

- 1.Қандай омиллар ватанимиз ҳудудида илк давлат бирлашмаларни пайдо бўлишига олиб келди?
- 2.Совет тарихшунослигида нима учун ватанимиз тарихини чуқур ўрганишга эътибор берилмаган?
- 3.Юнон Македонлар нима учун ватанимизни барча ҳудудларини тўлик босиб олишни урдасидан чиқа олмаганлар?
4. Ватанимиз ҳудудидаги қадимий ёзувлар, исломгача бўлган даврдаги диний эътиқод шакллари ҳақида нималарни биласиз?

III ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

V асрнинг ўрталарида Марказий Осиё ҳудудига шимолдан арман манбаларида «Хептал»араб манбаларида «Хайтал» деб номланган эфталий қабилалари бостириб кирди. Баъзи манбаларда улар массагетлар авлоди эканлиги билдирилади. Эфталийлар номини келиб чиқишини Византиялик тарихчи Феофан Византийский эфталийлар ҳукмдори Вахшунувар Эфталон номи билан боғлайди. Эфталийлар Эрон Сосонийлари билан 3 марта

тўкнашиб галаба қозонган охирга жанг 484 йилда бўлиб, шундан кейин Сосонийлар Эфтиалийларга товон тўлайдиган бўлишган. Эфталиийлар давлати пойтахти Пойканд шаҳри бўлиб, Варахша, Балх шаҳарлари маданий марказлар ҳисобланган. Эфталиийлар давридан бошлаб ҳудудимизда илк феодал (ер эгалиги) муносабатлари шаклланган. Эфталиийлар ёзуви Бактрия ёзуви асосида вужудга қелган бўлиб, 22 ҳарфдан иборат ва чапдан ўнга қараб ўқилган.

Турк ҳоконлигига 552 йилда Бумин асос солди ва ўзини Хокон (хукмдор) деб эълон қилди. Ушбу давлат пойтахти Олтой ўлкасидаги Утикан шаҳри эди. Ушбу давлат уруғ-аймоқчиликка асосланган эди. 563-567 йилларда Турк ҳоконлиги эфталиийларга кучли зарба бериб. Эфталиийлар душмани Эрон Сосонийлари билан иттифок тузди. Эфталиийлар билан охириги жанг 567 йилда Бухоро яқинида саккиз кун давом этди. Турк Хоконлигида Чорвадор аҳоли «будун» , Эл юрт ҳокими, «Ябгу» ёки «Жабгу» ун минг қўшин сардорлари «Шод» деб аталган. Сугд ёзуви асосида турк ёзуви пайдо бўлиб, у 38-40 ҳарфдан иборат бўлган. Турк ҳоконлиги даврида маҳаллий ҳокимликлар ўз бошқарув тизими, маданиятини тўла сақлаб қолган. Турк ҳоконлиги улар устидан ҳукумронлиги фақат улардан бож ундириш ва керакли аскарларни олиш билан чегараланган. 588 йилда Турк Хоконлиги иккига бўлинган. Ғарбий Турк ҳоконлиги Тунябгу (618-630) йилда кучайган. Хитой билан уруш натижасида бу давлат парчаланиб кетган.

VII аср бошларига келиб Арабистон ярим оролидаги араб қабилаларида уруғчилик тизими барҳам топиб, синфий тенгсизлик кучайди. Турли динга эътиқод қилувчи қабилалар ўртасида синфий тенгсизлик кучайди. Ушбу қабилаларни бирлаштириб ягона кучли давлатга айлантириш учун бир ғояга эҳтиёж туғилди. Ушбу ишни амалга ошириш учун тарих саҳнасига милодий 570 йилда туғилган Муҳаммад а.с келди. Қурайшли қабиласини хошимийлар хонадонидан бўлган Муҳаммад а.с милодий 610 йилдан яъни 40 ёшида пайғамбарликни даъво қилди. 622 йилда Макка задгонларини тазейки остида Маккадан Мадинага (Ясриб) сафар қилди. Илк масжидлар ҳам айнан Мадинада қурилган. 632 йил Пайғамбар вафотидан кейин Абу Бакр (632-634) Умар (634-646), Усмон (646-656), Али (656-661), халифалик қилди. Араблар томонидан ватанимиз ҳудудини босиб олинishi 2 босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич 651-754 йилларни ўз ичига олиб бу даврда асосан маҳаллий ҳокимларни синаш, ҳудуд бойликларни талаш мақсад қилиб

қўйилган эди. Иккинчи боскич 704 йилдан яъни Қутайба ибн Муслим Хуросон ноиби бўлган даврдан бошланиб. 715 йилгача яъни унинг ўлимигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда ватанимиз худудини араб халифалигига қўшиб олиш мақсад қилиб қилинган ва бу удаланган. Араблар 707-709 йилларда Бухоро мудофаси , 712 йилда Самарқанд, 715 йилда Фарғона водийси босиб олинди. Араблар томонидан 4 турдаги солиқ яъни хирож (ер солиғи) Закоат (хунарманд, чорвадор, савдогарлардан 2,5 %) ушр (рухонийлардан 10 %) Жизья(муслмон бўлмаганлардан олинадиган солиқ) жорий этилди. Ислоом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим бўлиб у арабчадан ўқиш деган маънони англатади. Қуръон Халифа Усмон даврида ягона китоб ҳолатига келтирилган. Араблар Сирдарё ва Амударё (Жайхун ва Сайхун) оралигини Мовороуннахр яъни дарёнинг нариги томони деб аташган. Арабларга Қарши 720-721 йилларда Гурак ва Диваштич кўзғолони бўлган. 746-749 йиллардаги Абу Муслим кўзғолони натижасида эса 661-750 йилларда ҳукумронлик қилган Уммавийлар сулоласи ўрнини , 750-1258 йилларда ҳукумронлик қилган Аббосийлар сулоласи эгаллади. Пойтахт Дамашқдан Боғдодга кўчирилди. Аммо шунча хизматларига қарамадан Абу Муслим 755 йилда Боғдодда Халифа томонидан хоинона ўлдирилган. Халифа уни тахтни эгаллаб олиш мумкин деб ўйлаган эди. Арабларга Қарши 769-783 йилларда асли исми Хошим ибн Ҳаким бўлган Муканна (никобдор) кўзғолони бўлиб, Ушбу кўзғолонда жамиятни барча табакалари катнашди. Сом қалъаси Муканнани қароргоҳи эди. Аммо бу кўзғолон ҳам Аббосийлар томонидан бостирилди.

Мустақил давлатлар дастлаб Мовароуннахрнинг шимолий ва шимолий Шарқий худудларида яъни халифаликка бўйсундирилмаган ўлкаларида ташкил топди. VIII аср Ўрталарида Еттисув ўлкасида Қарлуқлар давлати ташкил топди. Ушбу давлат пойтахти Чу дарёсидан шимолроқдаги Сўёб шаҳри эди. Қарлуқларда ҳукмдор «Ябгу» ёки «Жабгу» деб аталган. X аср Ўрталаридан улар ислом динини қабул қилган. Қорахонийлар давлати ташкил топиши билан унинг таркибига кирган Уғизлар давлати IX аср охири X аср бошларида ташкил топди. Сирдарё бўйидаги Янгикент шаҳри уларни пойтахти эди. Улар асосан чорвачилик, қўйчилик билан шуғулланган. X аср биринчи чорагида шимолий Шарқдан кипчоқлар зарбаси натижасида парчаланиб кетган. Уларни бир қисми ғарбга, Шимолий Кавказга, бир қисми эса Мовароуннахрда салжуқийлар давлатига асос солди.

Халифа Хоррун ар Рашид (786-809) вафот этгандан кейин тахт учун унинг ўгиллари Амин ва Маъмун ўртасида 809-813 йилларда тахт учун кураш бошланди. Аминни араб задогонлари қўллаган бўлса, Маъмунни Хуросон ва Мовороуннахр задогонлари қўллаб қуватлашди. Охир оқибат Маъмун ғалаба қозониб тахтни эгаллади. Маъмун маҳаллий задогонлар ёрдамини унутмади. Тохир ибн Хусайини 821 йилда Хуросон ноиб этиб тайинлади. Мовороуннахр ҳам унга бўйсунар эди. Сомонхудоғни набиралари бўлмиш Нухни Самарқандга, Ахмадни Фарғонага, Яхёни Шош ва Ўратепага ҳоким этиб тайинлади. IX аср бошларида Мовороуннахрда сиёсий вазият шундай эди.

Тохирийлар давлати 873 йилда барҳам топгач, Мовороуннахрдаги Сомоний хукмдорлар тохирийлар ўрнига қилган Саффорийларга бўйсунмади. Самарқанда ҳокимиятни қўлга киритган Наср ибн Аҳмад 874 йилда саффорийларга бўйсунмаган Бухорога укаси Исмоилни ноиб этиб тайинлади. Аммо ака-ука ўртасида низо чиқиб, 888 йилдаги жангда Исмоил ғалаба қозонди ва пойтахтни Бухорога кўчирди. Исмоил Сомоний даври Сомонийлар давлатининг энг раванқ топган даври ҳисобланади. Сомонийлар давлати бошқарув тизими такомиллашган эди. Олий хукмдор Амир деб аталиб, девони амид ал мулк, (давлатлараро муносабатлар) девони сохиби-шухрат (ҳарбий ишлар) каби 12 девондан иборат эди. Девонлар учун Сарой Наср ибн Аҳмад даврида қўрилган. Исмоил Сомоний турк ўспиринларида ҳарбий гвардия тузган. Сомонийлар даврида X асрда давлат олдидаги маълум хизмат учун «Икто» деб аталган мулк жорий этилган. «Икто» эгалари иктидорлар деб аталган. Сомонийлар давлати шимолдан қилган туркий қабилалар зарбаси натижасида 999 йилда барҳам топган.

Қорахонийлар давлатини асосчиси Абдулқарим Сатук Бугроҳон ҳисобланади. Давлатни бундай аталишига сабаб қора сўзи туркий халқларда «Улуг», «Буюк» деган маъноларни англатган. Қорахонийлар давлатини асосини уч туркий қабилла Яғмо, Жикил ва карлуклар ташкил этган. Улар ичида Карлуклар энг маданиятли ҳисобланган. Ушбу қабилалар 999 йилда Сомонийлар давлатини енгиб, Мовороуннахрни эгаллашган. Сомонийлар сулоласи сўнги вакили Исмоил ал Мухтасир 1005 йилгача қаршилик кўрсатган. 1038 йилда Қорахонийлар давлати 2 га яъни пойтахти Болосоғун бўлган Шаркий Қорахонийлар ва пойтахти Самарқанд бўлган Мовороуннахрдаги Қорахонийлар давлатига бўлинди. Вилоят ноиблари тақин

, Эл юрт ҳокимлари элокхон деб аталган. Қорахонийлар 1130 йилдан салжукийларга , 1141 йилдан Қорахитойларга, 1210 йилдан хоразмшоҳларга бўйсунган. Қорахонийлар давридан бошлаб «деҳқон» сўзи мулк эгаси деган маъно англатмайдиган бўлган. 1212 йилда ушбу давлат бутунлай барҳам топган.

Сомонийлар сулоласига хизмат кўрсатиб Газнада мустахкам ўрнашиб олган Сабуктагинни отаси Алптегин газнавийлар давлатини асосчиси бўлиб ҳисобланади. Аммо бу давлат сабуктагинни ўғли Махмуд Газнавий даврида юксалди. У Хиндистонга 17 марта юриш қилган. 1017 йилда Хоразм Газнавийлар давлатига кушиб олинган аммо 1040 йилдаги Донданакон жангида салжукийларга маглубиятга учрагандан кейин 4 йил утгач, Хоразм Салжукийлар тасаруфига ўтди. Салжукийлар 1059 газнавийлар устидан галаба қозониб Балхни тортиб олиш натижасида Газнавийлар давлати барҳам топди.

Салжукийлар давлати номи угиз қабилаларини дастлабки Ябгуси (хукмдори) Салжукбек номидан олинган. Аммо Салжукийлар давлатини асосчиси Тўғрулбек (1038-1063 йиллар) ҳисобланади. Салжукийлар давлати Маликшоҳ (1072-1092 йиллар) Султон санжар (1118-1157 йиллар) даврида юксалди. 1130 йилда хатто Қорахонийлар давлати ҳам Салжукийларга тобе бўлди. Аммо 1157 йилда Султон Санжар вафотидан кейин ушбу давлат барҳам топди.

Хоразм 1044 йилдан бошлаб Салжукийларга тобе бўлиб қолди. Хоразмдаги Ануштагинийлар асосчиси Кутбиддин Мухаммад Салжукийларга тобе эди. Хоразмшоҳлар давлатини пойдеворига Жалолиддин отсиз (1127-1156 йиллар) асос солди. Унинг даврида Хоразм мустақилликка эришди. Ушбу давлатни энг юксалган даври Алоуддин такин (1172-1200 йиллар) даврига тўғри келади. Унинг даврида Хоразмшоҳлар давлати худуди 2 бараварга кенгайди. Мухаммад Хоразмшоҳ (1200-1220 йиллар) Хоразмни Чингизхон бошчилигидаги муғуллар зулмига дучор қилиб хор зор бўлиб вафот этди. Охириги Хоразмшоҳ муғулларга қарши муваффақиятли уруш олиб борган Жалолиддин мангуберди 1231 йилда вафот этган.

✓ IX-XII асрларда ўзига хос Шарқ уйғониш даврини биринчи босқичи юз берди. Бу даврда Моворуннаҳрда фаннинг барча турлари ривожланди. Асарлар ўша вақтда фан тили ҳисобланган араб тилида амалга оширилган. Айнан шу даврда фан ва маданиятни ривожланишига сабаб аввало араб

тилини кенг худудда хукмронлик қилиши ва бу худуддаги барча халқлар шу тилда асар ёзишиб, бир бирини илмий ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлганлиги эди. Бундан ташқари бу вақтда Мовороуннахрда илм фанга хомийлик қилган Исмоил Сомоний, Махмуд Газнавий. Хоразмшоҳ Маъмун каби хукмдорлар хукмронлик қилди.

Ушбу даврда ислом дини ғояси жамиятда ҳам давлатда ҳам устивор ғоя ҳисобланган. Агар Ислом дини Арабистон ярим оролида пайдо бўлган бўлса ҳам кўплаб исломшунос олимлар айнан Мовороуннахр ва Хоразм фарзандлари эди. Хадис илмининг асосчиси 7275 та хадисни ёддан билган «Ал жоме ас Саҳих» асарини муаллифи Исмоил ал Бухорий (810-870) Қуръони Каримни шарҳлаб берувчи «Ал Кашшоф» асарини муаллифи «Жоруллоҳ» (Оллоҳ кушниси) номини олган Хоразмлик Махмуд аз Замахшарий (1075-1144й) «Ҳидоя» асари муаллифи Марғилонлик Бурхониддин ал Марғилоний (1123-1197 й) тариқатда «Яссавия» йўналишига асос солган «Хикматлар» асарини муаллифи Аҳмад Яссавий ва бошқа кўплаб сиймолар шу замин фарзандлари ҳисобланади. Тариқатда бундан ташқари Хоразмлик Нажмиддин Кубро асос солган «Кубровия» ва Бухоролик Баҳовиддин Нақшбандий асос солган «Нақшбандия» йўналишлари мавжуд.

IX-XII асрларда фан билан биргаликда туркий ва форсий ёзма адабиёт ҳам ривожланди. Туркий тилда Юсуф хос Ҳожибни «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийни «Хибат ул Ҳақойик», Махмуд Қошғарийни «Девону Луғати Турк» форсий адабиётда Абулқосим Фирдавсийни «Шоҳнома» форс тожик адабиётини асосчиси ҳисобланган Абу Абдуллоҳ Рудакий ижодини таъкидлаш жоиз. IX-XII асрларда меъморчилик, санъат, мусика, араблар босқини давридаги тушқунликдан қайта юксала бошлади. Бухоро шаҳри IX аср ўрталарида қалин деворлар билан ўралган бўлиб, 11 та нақшиндор, салобатли дарвозаси бўлган. Бу даврда қурилган меъморий ёдгорликлар сирасига Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси Самарқанд яқинидаги Тим қишлоғи яқинидаги араб ота мақбараси (977-978 йил) XI асрда барпо этилган. Марвадаги Султон санжар мақбараси, Бухородаги Минораи Калон мақбараси (1127 й) сингари ноёб меъморчилик иншоатларини киритиш мумкин. XI-XII асрларда қумуш, мис, бронзадан нақшинкор бадий санъат буюмлари, чиройли ва бежирим хонтахта, обдасталар яшаш расм бўлган. IX-XII асрларда мусика санъати ҳам ривожланди. Хусусан бу даврда Рост, Беда, Буслик, Баста каби куйлар «Сиёвуш» кўшиғи каби кўшик кенг тарқалган эди.

Мухаммад Мусо ал Хоразмий (783-850) Хива шаҳрида туғилган Богдоддаги Байт-ул ҳикма (Донишмандлар уйи) да бошлиқ бўлган. Унинг энг машҳур асарлари «Ал жабр», ва Муқобала» ҳисобланади. «Алгебра», «Алгоритм» атама- Ал Хоразмий асари ва номи билан боғлиқ. Ал Хоразмийни «Китоб ат тарих» «Китоб сурат ал Арз» каби бир қанча асарлари мавжуд. Абу Райхон Беруний (973-1048) Хоразмда ташкил этилган Маъмун академиясида фаолият юритган. Унинг турли соҳасига оид 154 асари бўлиб бизгача 30 та етиб қилган. Энг муҳим асарлар сирасига «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Хиндистон», «Геодезия» «Минерология» «Сайдана» ва бошқалар қиради. Аҳмад Фарғоний (861 йилда вафот этган) фалакшунос олим «Самовий ҳаракатлар ва илму нужум» «Астрономия асослари» каби асарлари машҳурдир. Асарлар XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган. Абу Наср Форобий (873-950) Фароб (Утруп) шаҳрида туғилган. Фаннинг барча соҳалари бўйича 160 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, муҳим асарлари «Бахт сиёсатга эришув ҳақида» «Фозил одамлар шаҳри» «Фалсафанинг моҳияти ҳақида китоб» ва бошқалар. Форобийни Шарқда «Ал Муаллим ас Соний» - «Иккинчи Муаллим» «Шарқ Аристотели» деб улуғлашган. Абу Али ибн Сино (980-1037) Бухоро вилоятини Афшона қишлоғида туғилган. Фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, бизгача 242 та асари етиб келган. Энг машҳур асари тиббиётга оид «Тибб қонунлари» асари бўлиб, XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган. Бундан ташқари фалсафага доир «Китоб аш шифо», бадий ижодга тегишли «Саламон ва ибсол» каби асарлар муҳимдир. Абу Али ибн Сино Шарқда «Шайхур Раис» (олимлар бошлиғи) Ғарбда «Авицена» номи билан машҳур бўлган.

Марказий Осиёда, аниқроғи Муғулистонда 1206 йилда асли исми Темучин бўлган Чингизхон бирлашган давлат тузишга муваффақ бўлди. Чингизхонни отасини Есугай баҳодир, онасини Улун дер эдилар. Чингизхон сўзи тоза қувватли маъноларини англатади. Чингизхон ўз фаолиятини 1206 йилдаги қурултойда қабул қилинган «Ясо» қонунлари асосида олиб борган. Мўғул Задогонларидан тузилган махсус гвардия «Кешик» деб аталган, Олий ҳукмдор «Хокон ёки Қоон» деб аталган. Улус ҳукмдорлари эса «Хон» дейилган. Давлат пойтахти Қорақурум шаҳри бўлган. Чингизхон 1211-1215 йилларда Хитойга юриш қилиб, Хитой ҳарбий техникасини қўлга киритган ва кейинги юришларда фойдаланган. Хоразмшоҳ Мухаммад 1216 йилда Қорақурумга Баҳовуддин Розий бошчилигида элчи юборган, Шундан кейин

1218 йилда Чингизхон Муҳаммад Хоразмшоҳ хузурига Маҳмуд Яловоч, Фахриддин Дизакӣ Бухорӣ бошчилигидаги савдогарлар (Ўтрор шаҳар ҳокими Иналхон томонидан таланган.) ниҳоят Ибн Кафрoж Бугрони элчи қилиб юборди. Аммо Муҳаммад Хоразмшоҳни сиёсат соҳасида нуноклиги туфайли уруш бўлиш муқаррар бўлиб қолди. 1219 йил кузида Чингизхон Ўтрор шаҳри яқинида қўшинни 4 қисмга бўлди. Ўғиллари Чигатой ва Уқтойни Ўтрор камалига, Жужини Сирдарё бўйидаги ерларни босиб олишга, Олоқнуён ва Сукету Черби Бинокат ва Хўжанд шаҳарларни эгаллашга, ўзи кичик ўғли Тули билан бирга Бухорога юриш бошлайди. 1220 йилнинг 16 феввалида Бухоро қўлга киритилди ва ёкиб юборилди. Март ойида Самарқандни босиб олиш учун шаҳарни сув билан таъминлаб турган «Қўрғошин нова» бузиб ташланди. Шаҳар қўлга киритилиб, 30 минг хунарманд олиб кетилди. Хўжанд мудофасини Хўжанд ҳокими Темур Малик амалга оширди. Тенгиз жангларда Темур Малик Мўғулларни Саросимага солиб, хатто Сирдарё бўйидаги Янгикент шаҳрини вақтинча қўлга киритди, кейин Урганчда Жалолиддин Мангуберди қўшинига қўшилиб мўғулларга қарши урушни давом эттирди. Мўғуллар 1221 йилнинг кишида Урганчга ҳужум қилдилар. Урганч ҳимояси кўрқок Амир Хумартакин ва хоин Қутлуғқоҳ қўлида бўлганлиги учун Жалолиддин Мангуберди сафдошлари билан Урганчни тарк этган эди. Урганч мудофасида тарикатда «Кубровия» йўналишига асос солган 76 ёшли Нажмиддин Кубро (асл исми Аҳмад ибн Умар Хивакӣ) душман билан жангда қаҳрамонлик кўрсатиб ватанпарварлик намунасини кўрсатди. Жалолиддин Мангуберди Валиёнқалъаси, Парвона даштида мўғулларни мағлуб этди. Аммо ички низолар Жалолиддин қўшинларини кучсизлантирди. Чингизхон билан 1221 йилнинг 25 ноябрида Синд (Ҳинд) дарёсида бўлди. Бу жангда Жалолиддин енгилиб, Ҳинд дарёсидан кечиб ўтди. Жалолиддин яна 10 йил давомида гоҳ Афғон, гоҳ Ҳинд, гоҳ Кавказ ортида жанг қилиб 1231 йилда ОзарбайдҶон ҳудудида вафот этди.

1224 йилда Чингизхон забт этилган ерларни ўз ўғилларига тақсимлаб берди. Мовороуннаҳр, Шарқий Туркистон, Еттисув Чингизхонни 3 чи ўғли Чигатойга теғди. Чигатой улусини Мовороуннаҳр қисмини бошқариш Маҳмуд Ялавочга топширилди. Унинг қароргоҳи Хўжанд шаҳри эди. Чигатой улуси даврида ер солиғи «Калон», ЧорвадорлардаН «Қопчур» ва шулен, хунарманд ва савдогарлардан «бож» ва «тарғу» солиқлари олинган.

Мовороуннахрдаги мўғуллар ўтроқ турмуш тарзига ўтгани холда, Шарқий Туркистон ва Етгисув мўғуллари кўчманчи ҳаёт тарзини ўтказишни давом эттирди. Улар ўртасидаги келишмовчилик 1348 йилда Чигатой улусини 2 га бўлиниб кетишига олиб келди. Мўғуллар зулмига Қарши 1238 йилда Бухорода Маҳмуд Торобий бошчилигидаги кўзғолон бўлди. Маҳмуд Торобий ва унинг маслаҳатдоши Шамсуддин Маҳбубий Бухородаги Робия саройини ўзларига қароргоҳ этиб танлашди. Маҳмуд Торобий халифа, Шамсуддин Маҳбубий садр деб эълон қилинди. Бухоро ва Кармана ораллигидаги жангда мўғуллар мағлуб этилди. Аммо кўзғолон раҳбарлари ҳам ҳалок бўлишди. Шундан кейин кўшимча кучлар ёрдами билан кўзғолон бостирилди. Сусткашлик қилганлиги учун Маҳмуд Ялавоч Мововроуннахр ноиблигидан олиниб Дасин (Пекин) га губернатор этиб тайинланди. Унинг ўрнига ўғли Маъсудбек тайинланди. Мўғуллар босқини ўлкамизнинг моддий ва маданий тараққиётини бир неча юз йиллар орқага суриб юборди. Мўғуллар фан ва маданият арбоблари олиму, фўзалолар шоир ва ёзувчиларни қириб ташлади. Тирик қолганлари ўзга юртлардан макон топди. Аммо XIII-XIV асрларда бир қанча меъморий обидалар қурилди. Жумладан: Бухородаги Сайфиддин Бехарзий, Баёнқулихон макбаралари, Маъсудия, Хония мадрасалари, Самарқанддаги Шохи-зинда ансамблининг Қусам ибн Аббос макбарасининг зиёратгоҳи, кўхна урганждаги Нажмиддин Кубро ва Тўрабекхоним макбаралари шулар жумласиндандир. Бадий адабиёт соҳасида Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бустон» тарихшуносликда Рашиддиннинг «Жомеут Таварих» Жузжонийнинг «Тарих жахонгўшай» асарлари шу даврга оиддир.

Сохибқирон Амир Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Кеш (Шахрисабз) яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида Барлос Тарағай хонадонида туғилган. Отасини исми Муҳаммад Тарағай, онасини исми Такина Мохбегим бўлган. Шайх Шамсуддин Кулол (У отасини ҳам пири эди), ва мир Саид Барака Амир Темурни пирлари эди. Амир Темур Самарқанд тахти учун кураш даври 1361-1370 йилларни ўз ичига олади. Агар у 1361 йилда шароитдан келиб чиқиб, Мўғул хукмдори Туглуқ Темур хизматига кирган бўлса, кейинчалик Балх ҳокими Амир Хусайин билан биргаликда мўғулларни Қундуз (1363) жангида мағлуб этди. Аммо 1365 йил баҳорида Туглуқ Темурни ўғли Илёсхўжадан (Амир Хусайин айби билан) мағлуб бўлди. Аммо Илёсхўжа ҳам Самарқандни эгаллай олмади. Самарқандда 1365 йилни кузида, 1366 йил баҳоригача

«Сарбадор» лар (боши дорда) ҳукумронлик қилишди. Аммо 1366 йил баҳорида уларнинг раҳбарлари Абу Бакр Калавий, Хурдакий Бухорийларни (Мавлонзодани Амир Темур сақлаб қолган) Амир Хусайин томонидан ўлдирилиши натижасида Самарқандда Амир Хусайин ҳукумронлиги бошланди. Сарбадорлар ҳамма тенг бўлган жамият қуришни орзу қилишган. 1366-1370 йилларда Амир Хусайин ва Амир Темур ўртасида ҳокимият учун бўлган жангларда соҳибқирон ғолиб чиқди. 1370 йилнинг 10 апрелидаги Балхдаги Курултойда Амир Темур Мовороуннахр ҳукмдори (Амири) деб эълон қилинди. Соҳибқирон Кешни пойтахт қилмоқчи эди, аммо Самарқанд ҳар томонлама қулай ва ҳавоиси тоза эди. Самарқанд пойтахт этиб белгиланди. Шундай қилиб Амир Темур тинимсиз курашлар натижасида Мовороуннахрда ўз ҳокимиятини ўрнатиб марказлашган давлат тузишга эришди, халқимизни мўғул босқинчиларидан озод қилди. Буёқ салтанат қуришни режалаштирди. Дастлаб Амир Темур 1370 йилда ўзига бўйсунмаётган Амир Зинда Чашмни енгиб, Шибурғон вилоятини бўйсундирди. Хоразмга 1371-1388 йилларда 5- марта юриш қилиб, бўйсундиришга муваффақ бўлди. Амир Темурни 3 йиллик (1386-1388) юриш натижасида Жанубий озарбайжон , Ироқнинг шимолий қисми, Туркистон ва Арманистондаги ерлар эгалланди. Беш йиллик (1392-1396) юриш натижасида Фарбий Эрон, Ироқи аҷам, Кавказ босиб олинди. Етти йиллик юриш натижасида эса Шом (Миср), Сурия ва Усмонли турклар давлати мағлуб этилди. Турк Султони Боязид Йилдирим билан бўлган «Анкара» жанги 1402 йил 20 июльда бўлди. Бу жангда Амир Темур қўшинида 200 минг, Боязид Йилдирим қўшинида 160 минг жангчи бўлганлиги манбаларда қайд этилади. Жанг Амир Темурни ғалабаси билан тугади. Бу ғалаба натижасида соҳибқирон бутун фарбий Европани турклар босқинидан сақлаб қолиб Фарбий Европа халқлари учун хизмат кўрсатди. Аммо Амир Темур Усмонийлар давлатини бутунлай янчиб ташламади. Чунки Христиан Оламини Шарқда қилган хунрезликларини (салб юришлари) соҳибқирон яхши билар эди. Амир Темур ўзи тахтни эгаллашга ёрдам берган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан (унинг Темур давлатига тажовузи туфайли) уч марта яъни 1389 йилда Жиззахнинг Аччик Мавзеида, 1391 йилда Самара ва Чистополь оралиғидаги Қондурча (Кундўзча) деган жойда ҳам 1395 йилнинг 15- апрелида шимолий Кавказда Терек дарёси буйида тўқнашган. Бу жангларда Соҳибқирон ғолиб келиб Русь ерларини мўғуллар зулмидан озод бўлишига ёрдам берган. Буни

рус тарихчилари Б.Д. Греков ва А.Ю. Якубовскийлар эътироф этишади. Амир Темур қўшини таркиби туман – ўн минглик, ҳазора – минглик, қўшин-юзлик ва айл- ўнлик бирикмалардан таркиб топган. Давлатда еттита вазир бўлган. Булар: 1. Мамлакат ва раият ишлари бўйича вазир (бош вазир) 2.Вазири сипоҳ яъни ҳарбий ишлар вазири. 3.Эгасиз қолган мол мулкларни тасарруф этиш вазири. 4.Молия вазир. Қолган учта вазир сарҳадарни назорат қилувчи вазирлар ҳисобланган. Амир Темурнинг дунёнинг 27 мамлакатини забт этишида унинг саркардалик салоҳияти, ҳарбий санъати бош омил бўлди. Соҳибқирон жанговорлик салоҳиятига эга бўлган сафдошларни танлаб олиш қобилияти ҳам унинг муваффақиятларида муҳим ўрин тутди. Амир Темур сафдошларидан 313 кишига амирлик (олий мартаба) мартабасини берган. Амир Темур Ғарбий Европа мамлакатлари билан дипломатик алоқалар олиб борган. Франция кироли Карл VI, Англия кироли Генрих IV, Кастилия ва Леон (Испания) кироли Генрих III билан ёзишмалар олиб борган. Соҳибқирон даврида ерга эгаллик қилишнинг 5 та асосий кўриниши бўлган.

1.Суюрғал ерлар (Бу ерлар солиқлардан озод этилган)

2.Хархон ерлар (Хусусий ер мулклари)

3.Ушр ерлар (Сайид ва хўжаларга тегишли бўлиб, даромадни ўндан бир қисмини давлатга солиқ тўлаганлар)

4.Вақф ерлар (Масжид, мадрасаларга тегишли ерлар)

5.Аскарлар ва уларнинг бошлиқларига ажратиб берилган ерлар. Амир Темур даврида мўғуллар босқини натижасида барҳам топган Буюк Ипак йўли тикланди. Карвонлар ҳафсизлиги таъминланди. Ғарбий Европа христиан савдогарларини Шарк билан савдоси ҳавфсизлигини таъминлашдаги жонбозлиги учун хатто Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ «Католик дини хомийси» деган ном олган. Амир Темур ҳаётлик давридаёқ унинг ҳарбий санъати ва давлат бошқариш услубига бағишланган махсус асар яратилиб, у «Темур тузуклари» номи билан шухрат топди. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини тайинлаш тартиблари белгилаб берилган. Жумладан «Темур тўзлуклари»да соҳибқирон давлатнинг асосини ўн икки ижтимоий тоифа ташкил этиш таъкидлаб, уларни кўрсатиб утади. Амир Темур даврида асосий солиқ даромад солиғи-хирож бўлиб, у олинадиган даромаднинг учдан бир қисмига тенг бўлган. «Тузукларда» ёзилишича, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёхуд бирон ташландик ерни обод қилса, ундан биринчи йили ҳеч

нарсга олинмаган, иккинчи йили нимани берса шу олинган, фақат учинчи йили конун доирасида солиққа тортилган. Савдогар, Чорвадор, Хунармаидлардан закот олинган, бундан ташқари баъзи маҳаллий солиқлар ҳам бўлган. «Бегор» деб аталган мажбурий меҳнат жорий этилган. Амир Темур Турк, Араб ва Эронликлар тарихини чуқур билган. Амалий жиҳатдан фойда келтирадиган ҳар қанақа билимни, давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда шу соҳани билимдонлари, уламолар билан маслаҳатлашган. 1403 йилда Байлақон шаҳрида барча илм-фан намоёндаларини йиғиб машварат қилганлиги маълум. Тарихчилар Абдулразок Самарқандий, Хондамир, бадий ижод соҳиби Саккокийлар Амир Темур ҳукмронлиги даврида баракали ижод қилган. Соҳибқирон ободончилик ишларига алоҳида эътибор берган. У, Табризда масжид, Шерозда Сарой, Боғдодда мадраса, Туркистонда Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара бино қилдирди. Соҳибқирон даврида Гури Амир мақбараси, Бибиҳоним масжиди, Оксарой, Кўксарой, Бўстон Сарой, бундан ташқари, Самақанд атрофида боғишамол, Боғидилқушо, Боғинав, Боғибаланд каби кўплаб боғлар кўрганлиги буни далилидир. Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувиға ҳос энг муҳим хусусиятларидан бири, унда давлат мезонларига алоҳида эътибор берганлигидир. У ҳар доим «Қуч адолатда» деб таъқидлар ва унга амал қилар эди. Унинг давлат бошқаруви тизими масалаларига бағишланган тузукларида ҳам ҳар бир ишда адолат мезонларига амал қилиш, ноҳақлик, адолатсизликка нисбатан муросазлик ғояси ифодаланганлиги бежиз эмас. Ўз амали, мансабини суистимол қилишлик, порахўрлик қаттиқ жазоланган. Бу борада ҳатто ўз фарзандлари, ақинларини ҳам аямаган.

Соҳибқирон Амир Темур 1405 йилнинг 18 феввалида Хитойға юриш вақтида Утрорда вафот этди. Аслида тахтни Амир Темур васиятиға кўра қатта ўғли Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Пирмуҳаммад эгаллаши керак эди. Аммо Самарқанд тахтини 1405 йилнинг 18 мартада Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон эгаллашға муваффақ бўлади. 1405-1409 йилларда тожу тахт учун кураш авж олди. Бу кураш натижасида 1407 йил 22 февралда тахт вориси Пирмуҳаммад, 1408 йилнинг 22 апрелида эса Мироншоҳ мирзо ҳалок бўлди. Ниҳоят 1409 йилнинг баҳорида тахтни Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзо эгаллади ва Самарқанд тахтини ўғли, Улугбек мирзоға топшириб, ўзи Хуросонға қайтиб кетди. Мовороуннаҳрда Улугбек ҳукмронлиги 1409-1449 йилларни ўз ичига олади. Улугбек Мирзо 1410 йилда

Туркистонни, 1414 йилда Фарғона ва Кошғарни ўз мулкига қўшиб олди. Мирзо Улуғбекнинг 40 йил хукмронлик давридаги энг муҳим ғалабаси 1425 йилнинг эрта баҳорида Муғилистонга юриш қилиб Иссиқкўл ёнидаги жангда ғолиб келди. Ушбу ғалаба ҳақида 1428 йилда Жиззах яқинидаги Илонутти дарасида ўзига хос «Зафарнома» ёзилган. Аммо Дашти Қипчоққа қилинган юришда Улуғбекнинг омади келмай енгилди. Улуғбек Мирзо тарихда нафақат одил хукмдор, балки фалакиётшунос олим, илм-фан хомийси бўлган. Улуғбек 1417 йилда Бухорода, 1417-1420 йилларда Самарқандда ва 1433 йилда Ғиждувонда Мадраса қўрди. 1424 – 1428 йилларда Обирахмат анхори бўйида Расадхона қурилди. Ушбу Расадхонани баландлиги 31 метр эди. Ғиёсиддин Жамшид бошчилигидаги олимлар расадхонага ўлчов асбоб ускунаси секстант ўрнатилган. Расадхона ёнида бой кутубхона ҳам ташкил этилган. Расадхонада Улуғбек билан бирга «Афлотуну замон» деб ном олган Қозизода Румий , Жамшид Қошоний, «Ўз даврининг Птоломейи» номи билан шуҳрат қозонган Али Қушчи ва бошқа кўпгина олимлар илмий тадқиқот олиб борган. Улуғбекнинг шох асари «Зижи Жадидий Курагоний» номи китобидир. Ушбу асар асосан икки қисмдан : кенг муқадима ва 1013 собитга (қўзғалмас юлдузларнинг ўрин ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат. Улуғбек йил ҳисобини ҳисоблашда ҳозирги ҳисоб китобларда солиштирилган бўлсак, бор йўғи бир минуту икки секундга адашган. Бу XV аср учун ғоят юксак аниқлик эди. Улуғбекнинг астрономия мактаби ўз даврининг ўзига хос академияси эди. Самарқанд академияси 1004 йилда Гурганжда ташкил этилган «Донишмандлар уйи» (Маъмур академияси) дан кейинги иккинчи «Дор ул илм» эди. Самарқанд академияси ни бундан 225 йил муқаддам машхур францўз файласуфи, ёзувчи ва тарихчи олими Вольтер (1694-1778й) эътироф этган эди. Маърифатли хукмдор Мирзо Улуғбек 1449 йил 27 октябрида 65 ёшида Самарқанд яқинида ўз угли Абдулатиф Мирзо бўйруғи билан ўлдирилди. Абдуллатиф тахтда 6 ой яъни 1450 йил баҳоригача ўтирди. 1450-1451 йилларда тахтда Улуғбек Мирзони жияни ва куёви Мирзо Абдулло утирди. Аммо 1451 йилда Шероз кишлоғи яқинидаги Булунгур анхори ёқасида Мирзо Абдулло Мироншоҳ набираси Султон Абу Саид ва унга ёрдамга келган Дашти Қипчоқ хукмдори Абулхайрхон қўшинларидан енгилди. Султон Абу Саид 1457 йилда Хуросонни ҳам эгаллади. Аммо 1469 йилда туркманлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди.

Султон абу Саид вафоти Султон Хусайин Бойқарони Хуросон тахтини эгаллашига имконият яратди. 1469 йилнинг 24 мартда Хуросон тахтини эгаллади. Хусайин Бойқаро давлатига Хуросондан ташқари Шаркий ва Шимолий Эрон, Хоразм ҳам кирган эди. Унинг ҳукумронлиги 1469-1506 йилларни ўз ичига олади. Хусайин Бойқаро буюк ўзбек адиби ва давлат арбоби Алишер навоийнинг мактабдаги дўсти эди. Султон Хусайин Бойқаро тахтни эгаллагандан кейин дўсти Навоийни хузурига чорлаб дастлаб муҳрдорлик кейинчалик вазирлик лавозимини топширади. Навоий бутун умр Хусайин Бойқарони одил ҳукмдор бўлишига чорлади. Ўз вазифасидан фойдаланиб халқни аҳволини яхшилашга ҳаракат қилади. Лекин Хусайин Бойқаро давлати Навоий кутганидек бўлмайди. Шаҳзодалар ўртасида тожу тахт учун кураш мамлакатни заифлаштиради. Навоий бутун фаолиятини халқ фаровонлиги учун хизматга, бадий ижодга сарфлайди. Навоий ўзбек адабий, ўзбек мумтоз адабиётини янги поғонага кўтарди. Навоий 30 дан ортқ йирик бадий асар ёзди. «Хамса», «Ҳазойин ул Маоний», «Маҳбуб ул қулуб», «Лисон ут Тайир» шулар жумласидандир. Темур ва Темурийлар даврида тасвирий санъат соҳасида «Монийи Соний» (иккинчи моний) «Шарк Рафаэли» деб ном олган Камолиддин Бехзод каби истеъодлар фаолият юритди. Навоийнинг ҳассага таянган ҳолдаги тасвири Маҳмуд Муззаҳҳиб томонидан чизилган. Мусиқа санъати борасида Абдулқодир Наимий, Хусайин Уддий, Қосим Раббоний каби истеъодли мусиқачилар билан бирга Улғубек, Навоий, Жомий, Биноий каби мутафаккир ва шоирлар ҳам мусиқа санъати билан шугулланган. Бу дарда Мовлоно Лутфий, Атоий Хайдар Хоразмий, Дурбек, Саккокий, Сайфи Саройи, Бобур, Муҳаммад Солих каби шоирлар ижод қилганлар. Лутфийнинг «Гул ва Наврўз», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» каби асарлари муҳим аҳамиятга эга. Темурийлар даврида ерга эгалик қилишнинг 4 шакли яъни: 1. «Мулки девоний» - давлат ерлари. 2. Мулк- хусусий ерлар. 3. Мулкый Вақф- Мадраса ва Масжидлар тасаруфидаги ерлар. 4. Жамоа ерлари мавжуд эди. Дехқончилик ерларининг энг кўп қисми давлат мулки ҳисобланиб, бу ерларга олий ҳукмдорлар эгалик қилар эди. Шунингдек, Чигатой улуси давридаёқ урф бўлган давлат ерларини задогонларга «Суюрғол» тарзида инъом этиш кенг тарқалган эди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14чи Февралда Андижонда Мироншоҳ набираси Султон Абусаиднинг ўғли Умаршайх Мирзо оиласида туғилди. Умаршайх Мирзо бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлгач, 1494йилда

12 ёшли Бобур Мирзо тахтни эгаллади. Бобур Мирзо даври нотинч даврлар бўлиб, бир томондан Темурий шахзодалар ўртасида тожу тахт учун кураш авж олган бўлса, иккинчи томондан Дашти Қипчоқ «Ўзбек» қабилалари Шайбонийхон бошчилигида Темурийлар салтанатини йўқотиш режасини тўзаетган эди. Бобур Мирзо уч марта 1497 йилнинг ноябрида, 1500 йилнинг кузида, 1511 йилнинг кузида Темур давлати пойтахти Самарқандни қўлга киритди, аммо қўлдан бой берди. У 1504 йилнинг сентябридан 1526 йилнинг апрелигача Қобулда ҳукумронлик қилди. 1526-1858 йилларда эса Хиндистонда Бобур асос солган Бобурийлар давлати фаолият юритди. Бобур Мирзо кўплаб жангларда ғолиб келиб, ўзининг саркардалик маҳоратини кўрсатган. Ўзбек адабиётида Навоидан кейинги иккинчи сиймо ҳисобланади. «Бобурнома» асари Марказий Осиё ва Хиндистон тарихи, географиясига оид ноёб асар ҳисобланади. Бундан ташқари унинг «Туркий девон» «Муббайини» асарлари ҳам машҳурдир. Бобур Мирзо 1530 йилнинг 26 декабрида 47ёшида Аграда вафот этди.

Мовароуннаҳрда Муҳаммад Шайбонийхон асос солган Шайбонийлар сулоласи хронологик жиҳатдан 100 йил яъни 1501-1601 йилларни ўз ичига олади. Давлатнинг дастлабки пойтахти Самарқанд бўлган бўлса, шайбонийхоннинг жияни (укаси Маҳмуд Султонининг ўғли) Убайдулла султон (1533-1539 й) даврида Бухоро пойтахтга айланди ва давлат Бухоро хонлиги деган расмий ном олди. Муҳаммад Шайбонийхон 1507 йилда Ҳиротни босиб олиб, Хуросонни ҳам қўлга киритди, аммо Шайбонийхон вафотидан (1510 й) сўнг Хуросон Эрон Сафавийлари мулкига айланди. Шайбонийлар давлатини қайта бирлаштириш ишини 1557 йилдан, 1598 йилгача (расмий ҳукмронлиги 1583-1598 й) ҳукмронлик қилган Абдуллахон II амалга оширди. Бухоро яқинидаги Жуйбор қишлоғидан бўлган Муҳаммад Ислоҳ Абдуллахон II нинг пири бўлиб, унга гоъвий мадад берган эди. Абдуллахон II 1574 йилда Балхни, 1578 йилда Самарқандни, 1583 йилда Тошкент ва Фарғонани, 1584 йилда Бадахшонни, 1595 йилда Хоразмни забт этди. Аммо уни вафотидан кейин мамлакатда яна парокандалик бошланди. Шайбонийлар сулоласининг охириги вакили Пирмуҳаммад II (1599-1601 й) ҳисобланади. Шайбонийлар сулоласи даврида «Таиҳо» деб аталувчи хизмат эвазига вақтинчалик бериладиган ер эгаллиги пайдо бўлди. Солиқ тизимида «Ихрожат» деб аталувчи янги солиқ жорий этилдики у қушин, хон хонадони ҳаражатлари учун йиғилган. Шайбонийхон тириклиги давридаёқ барча ер

мулкни ўз қариндошларига суюрғол қилиб берган эди. Шайбонийлардан 4 киши Муҳаммад Шайбонийхон, Кучкинжихон, Убайдулло Султон, Абдуллахон II (факат у олтин танга зарб эттирган) пул ислохоти ўтказган. Муҳаммад Шайбонийхон, Кучкинжихон, Убайдулло Султонлар илм фанга ҳомийлик қилганлар. Убайдуллахон Убайдий тахаллуси билан шеърлар ёзган. XVI-XVII асрлар ватанимиз худудида Шайбонийлар ва аштархонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр бўлиб, илм фан маданият равнақи Темур ва Теурийлар давридагидек юксак поғонага котарилмаган. Табiiй ва аниқ фанларга кам эътибор берилган. Шундай бўлсада бадiiй адабиёт, тарихшунослик соҳасида кўплаб шоир ва тарихчилар фаолият юритган. XVI асрда бошланғич мактаб 5-8 йил, мадраса таълими 7-12 йил давом этган. Ушбу даврда бадiiй ижод намоёндаларидан Абдулқодир Бедил, Сайидо Насафiiй, Турди Фароғiiй, тарихшуносликда Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Хофиз Кухакий, Ҳофиз Таниш Бухорiiй, Зайниддин Восифiiй, Фазлуллох Рўзбехон қабилар баракали ижод қилган.

Аштархонийлар «Жонийлар» сулоласи 1601-1756 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган. Сулола асосчиси Жонибек Султон Русь давлати тазйиқидан яшириниб, Бухорода Искандар Султон (Абдуллахон II нинг отаси) саройидан паноҳ топиб унинг кизи Зухрабегимга уйланган эди. Тахтга дастлаб Жонибек Султонни ўғли Боқи Муҳаммад (1601-1605 й) кейин унинг укаси Вали Муҳаммад (1605-1611 й) ўтирган. Имомкулихон (1611-1642 й), Субхонкулихон (1681-1702 й) каби ҳукмдорлар даврида мамлакатда бир мунча марказiiй ҳокимият кучайган. Аштархонийлар сулоласини иккита пойтахти бўлган. Булар Бухоро ва Балх. Тахт вориси Балхда ҳукмронлик қилган. Ушбу сулола даврида «Сарой қутволи» деган янги лавозим жорий этилган бўлиб, у давлат маблағи ҳисобига қурилаётган қурилишга раҳбарлик қилган. Тожу тахт учун кураш натижасида 1711 йилда Убайдуллохон ўз укаси Абулфайзхон томонидан ўлдирилди. Абулфайзхон тарихда «Қуғирчоқ ҳукмдор» сифатида кирган. Аштархонийлар сулоласини мунтазам армияси бўлмаганлиги сабабли 1740-1747 йилларда Эронга тобе бўлиб қолди. 1747 йилга келиб Аштархонийлар сулоласи амалда барҳам топган ҳокимият Муҳаммад Ҳаким Манғитни ўғли Муҳаммад Раҳим қўлида бўлиб, у Қушбеги (бош вазир) лавозимини эгаллаган эди.

Бухорода Манғитийлар (Манғитлар 92 ўзбек қабиласининг бири эди) сулоласини биринчи вакили Муҳаммад Раҳимхон 1756-1758 й. Бухоро

Манғитийлар ҳукмдорлари ичида ўзини «Хон» деб атаган ягона ҳукмдор бўлиб, ундан кейинги ҳукмдорлар ўзларини «амир» деб аташган. 1756 йилдан бошлаб эса мамлакат Бухоро амирлиги деган расмий ном олди. Манғитийлар ҳукмронлиги 1920 йилга қадар давом этган. Бухоро амирлари орасида Амир Шохмурод (1785-1800) ўзининг адолатпешалиги, камтарлиги билан халқ орасида «Амири Маъсум» (Беғунох амир) деб обру орттирган. Унинг даврида кози Аскар «Ҳарбий суд» ва Раис лавозимлари жорий этилган. Пул ислохоти ўтказилиб, солиқлар тартибга солинган. Амир Насрулло эса (1826-1860 й) ўзининг жохиллиги туфайли «Қассоб амир» деган ном олган. Унинг даврида мунтазам қўшин тўзилган.

1512 йилда Хивадан Эрон Сафавийлари батамом қувилгач, ҳокимиятни Шайбон авлодларидан бўлган Берка Султонни угли Эльбарсхон эгаллади. Хоразмда Хива шайбонийлари ҳукмронлиги хронологик жиҳатдан 1512 йилдан 1770 йилгача давом этган. Хоразмда 20 дан ортиқ ўзбек қабилалари истикомат қилган. Элбарсхон даврида пойтахт Вазир шаҳридан Урганчга кўчирилган бўлса, Араб Муҳаммад даврида Урганчдан Хивага кўчирилди. Абулғози Боходирхон (1644-1663) Хива шайбонийларини нуфўзли ҳукмдорларидан ҳисобланади. У бошқаришни осонлаштриш учун ҳар бир қабилавий гуруҳга иннок бўлишни тайинлаб тегишли масалаларни улар орқали ҳал қилган. 1770 йилдан Хивада ҳокимият қўнғиротлар (улар 92 ўзбек қабиласидан бири эди) қўлига ўтди. Уларни расмий ҳукмронлиги эса 1804 йилда Элтузархон давридан бошланиб 1920 йилгача давом этган Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825 й) даврида хон ҳузурида кенгаш тузилган. 1811 йилда Қорақалпоқлар тўлиқ бўйсундирилган. Қўқон хонлиги Аштархоний Убайдуллохон даврида (минг қабиласини сиқувга олиниши), ҳамда Бухорода марказий ҳокимиятни кучсизланиши натижасида ўзбекларни минг қабиласи Фарғона водийсида мустақил давлат тузишга муваффақ бўлди. Шохрухбий (1709-1721 й) Ушбу давлатни биринчи ҳукмдори бўлди. Абдулқаримбий даврида пойтахт Тепа Қўрғондан Қўқонга кўчирилди. Олимхон (1800-1810 й) давридан бошлаб давлат Қўқон хонлиги деган расмий ном олди ва ҳукмдор «Хон» рутбасини олди. Хонликда «Қипчоқ» қабилалари нуфузи ошиб кетишига қарши 1852 йилнинг 9 октябрида «Қипчоқ кирғини»ни уюштирган. Учала хонликда ҳам ерга эгалик қилишнинг 3 та тури мавжуд эди: 1. давлат ерлари (Бухорода амлоқ, Хивада – мулк подшоҳий), 2. Мулк ерлари (хусусий ерлар), 3. Вақф ерлари (масжид ва

мадраса, хонакоҳга тегишли ерлар). Хива хонлигида ерларни ярмидан кўпи хон ва унинг қариндошларига тегишли бўлиб, улар солиқ туламас эди. Қўқон хонлигида хусусий ерлар ҳажми кичик бўлиб, хатто 1 гектар ери бор одам ҳам бой ҳисобланган. Бухоро Амирлигида алоҳида хизматлари учун ҳукмдор давлат ерларини бир қисмини мулк қилиб берган. Бу мулк «мулк Хурри ҳолис» деб аталиб солиқларда озод этилган ва авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Учала хонликда ҳам Хирож (ер солиги) асосий солиқ ҳисобланиб, Хива хонлигида у «салғут» деб аталган. Бундан ташқари бир қанча маҳаллий солиқлар ҳам бўлган. Учала хонликда ҳам ҳокимият хонни (Бухорода кейинчалик амирни) қўлида бўлиб, унинг ҳокимияти чекланмаган эди. Бухорода хондан кейин «нақиб» (амирликда қушбеги) турар эди. Худудий жихатдан 27 бекликка бўлиниб, ҳар бир бекликни амир тайинлайдиган беклар бошқарар эди. Лашкар қўмондони «тўпчи боши» деб аталар эди. Хива хонлигида ҳам хондан кейин «қушбеги» (бош вазир) ҳисобланиб у солиқларни тўплаш ва ва хон фармонлари ижросини назорат қилган. Хонлик маъмурий худудий жихатдан 16 та беклик ва вилоятларга бўлинган. Хон томонидан тайинланган амалдорлар бошқарган. Лашкар қўмондони «Ясовул боши» деб аталган. Қўқон хонлигида хондан кейинги нуфўзли лавозим «Минг боши» (бош вазир) бўлиб, уруш пайтида айнан унинг ўзи лашкарга бошчилик қилар эди. Маъмурий худудий жихатдан 15 та бекликка бўлиниб, бекликларда хонни уғиллари ёки қариндошлари ҳокимлик қилар эди. Шундай қилиб Амир Темур даврида ягона ва кучли давлатга айланган Турон соҳибқиронни васиятларига қарамай турли қабилалар ўртасидаги ички кураш натижасида учта хонликка бўлиниб кетди. XVIII асрни охири XIX асрни бошларида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида бадий адабиёт, тарихшунослик соҳалари анча ривожланди. Бухоро амирлигида Ёқуб ибн Дониёл Бухорийнинг «Гулман ул-мулк», Мирзо Шамс Бухорийнинг «Бухоро, Қўқон ва Қошғарнинг айрим воқеа-ҳодисалар баёни» китоби тарих учун муҳим аҳамиятга эга. Хива хонлигида Абулғозий Боходирхонни «Шажарайи Турк», «Шажарайи тарокима асари», Қўқон хонлигида Мулла Муҳаммад Хукандийни «Тарихи Шохрухий», Мулла Али Қори Қундузийни «Таворихи Манзума» каби асарлари ҳам Ватан тарихини оидинлаштиришда муҳим манба ҳисобланади. Бадий адабиёт соҳасида Бухоро амирлигида Муҳаммад Ниёз Нишотий, Мужрим – Обид, Шавкий, Хива хонлигида Мунис, Оғахий, Қўқон хонлигида Гулханий, Нодира Увайсий, Машраб каби шоирлар

салмоқли фаолият юритган. XVIII асрни охири XIX асрни бошларида Бухоро амирилиги, Хива ва Қўқон хонликлари ўртасида худудий даъволар туфайли донмий урушлар бўлиб турган. Бундан ташқари Бухоро амири ўзини Хива ва Қўқон хонларидан устун деб ҳисоблаган. Масалан Муҳаммад Алихондан норози бўлган бир гуруҳ амалдорлар Бухоро амири Насруллони Қўқонга ҳужум қилишга чорлаган. Натижада 1842 йилда Насруллони Қўқонни босиб олиб, Муҳаммад Алихон, ўзбек шоираси Нодирабегим ва бошқа бир канча хон хонадонни аъзоларини қатл эттирган. Худди шу вақтда Амир Насрулло Хива хони билан уруш олиб бораётган эди. Хуллас хонликлар ва амирилик ўртасидаги ўзаро келишмовчилик рус босқини учун қулай шароит яратган.

Ватанимиз худудини забт этиш борасида икки мустамлакачи давлат Чор Россияси ва Буюк Британия манфаатлари туқнашди Англияни, Хиндистонни босиб олиб Афғонистонда ўз таъсир доирасини кучайтираётганлиги Россия ҳукмрон доираларини ташвишга солаётган эди. Ўрта Осиёни босиб олиш Россия учун ўта муҳим эди. Ўрта Осиё ривожланаётган рус тўқимачилик саноати учун пахта хом ашёси учун зарур эди. Бундан ташқари ушбу худуд рус саноат товарлари сотиладиган бозор бўлиши керак эди.

Таянч иборалар:

Эфталлийлар, Пойкент, Варахша, Турк хоконлиги, будун, шод, Қуръони Карим, Макка, Қурайш қабиласи, Қутайба ибн Муслим, Мовароуннаҳр, Хуросон, Самонийлар, Қорахонийлар, Салжукийлар, Қоразм шохлар, Амир Темур, Темурийлар, Улуғбек, Шайбонийхон, Хива хонлиги, Бухоро амирилиги, Қўқон хонлиги, Бухоро амирилиги, Қўқон хонлиги.

Саволлар:

1. Ватанимиз худудиди қайси сулола давридан бошлаб илк феодал (ер эгаллиги) мунособатлари шаклланди?
2. Ватанимиз худудини араб истелочилари томонидан забт этилишигиза қандай омиллар ёрдам берди?
3. Қоразмшохлар давлати қучли ва улкан армияга эга бўлишига қарамасдан нима учун муғулларга мағлуб бўлди?
4. Нима учун Бухорода манғит қабиласи ҳукмронлиги бошлангандан кейин давлат Бухоро амирилиги деб атала бошланди?
5. Нима учун Буюк Ипак йўли XVI асрга келиб барҳам топди?

Адабиётлар

1. И.Каримов - «Тарихий хотирасиз келажак йўк». Тошкент, Шарк, 1998 й.
2. Усмонов Қ. ва бошқалар - «Ўзбекистон тарихи». Тошкент, Иқтисод молия, 2006 й.
3. Бунёдов З. - «Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати». Тошкент, Гофур Гулом, 1998 й.
4. Вамбери Ҳерман - «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» Тошкент, 1990 й.
5. Ахмедов Б. – «Соҳибқирон Темур». Тошкент, 1996 й.

IV. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ.

Россияни Ўрта Осиёга дастлабки тажовўзи 1839 йилда Оренбург генерал губернатори Перовский томонидан амалга оширилиб, мувафакятсизликка учраган эди. Россияни Ўрта Осиёни босиб олиш даврини 4 босқичга бўлиш мумкин. 1. 1847-1864 йилларни ўз ичига олади. Раим истеҳкомни қурилиши билан бошланиб, Чимкент босиб олинishi билан тугаган. 2. 1865 йилда Тошкент босиб олинishi билан бошланиб, 1868 йилда Бухоро амирлигини ярим мустамлака этилиши билан тугаган. 3. 1873-1879 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Хива хонлиги ярим мустамлака этилиб Қўқон хонлиги тугатилди. 4. 1880-1885 йилларни ўз ичига олиб ҳозирги Туркманистон ерлари ишғол этилди. 1865 йилда Тошкент забт этилгандан кейин ушбу шаҳар Ўрта Осиёни қолган қисмини истило этиш учун таянч вазифасини ўтади. 1866 йилда Жиззах, Уратепа каби шаҳарларни босиб олинishi натижасида подшо Александр II фармони билан 1867 йилда маркази Тошкент бўлган Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилди. Биринчи генерал губернатор этиб руслашган немис, подшони ишончли одами К.П. Кауфман тайинланди. У 1882 йилгача губернаторликни бошқарди. Унга чекланмаган ваколат берилган бўлиб халқ уни «ярим подшо» деб аташган. Губернаторлик таркибида дастлаб маркази Тошкент бўлган Сирдарё вилояти ҳамда маркази Верний (Олмаота) бўлган Етқисув вилояти бор эди. Туркистон генерал губернатори фон Кауфман ва Бухоро амири Музаффаридин

қўшинлари Ўртасида 1868 йил 1 майда Чупонота тепалигида жанг бўлиб ўтди. Жангда Бухоро сарбозлари енгилди. 2 май куни Самарқанд, 24 май куни Ургут, 31 май куни Каттақурғон шаҳри забт этилди. 1868 йилнинг 2-8 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида Китоб ҳокими Бобобек ва Шахрисабз ҳокими Журабек бошчилигида халқ кўзғолони бўлиб ўтди. Аммо Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари кўзғолонни бостирди. 1868 йилнинг 28 июнида Самарқандда Туркистон генерал губернатори Кауфман ва Бухоро амири Музаффаридин ўртасида шартнома имзоланди. Унга кўра Бухоро амирлиги Россия империясини протекторатига (ярим мустамлакасига) айланди. Шартномага кўра амир 500 минг рубл миқдоридан товон тўлайдиган ҳамда чор қўшинлари томонидан забт этилган Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттақурғон подшо Россияси мулки деб эълон қилинди. Ушбу ҳудудда маркази Самарқанд шаҳри бўлган Зарафшон округи тузилиб, генерал майор Абрамов округ бошлиғи ва ҳарбий халқ маъмурияти бошлиғи этиб тайинланди. Бундан ташқари рус савдогарларига Бухоро амирлиги ҳудудида эркин савдо қилиш ҳуқуқи берилди. 877 км ли Зарафшон дарёси сувини назорат қилиш ҳуқуқи ҳам Россия мустамлакачиларига ўтди.

Англия билан муносабатларни яхши йўлга қўйгунча Россия Хива хонлигига ҳужум қилмади. Ниҳоят Англия билан 1869-1872 йиллардаги музокаралар натижасида келишувга эришилди. 1873 йилнинг февраль ойидан бошлаб Россия бўйсунмаган «Ўрта Осиё Жазоири» деб номланган Хива хонлигига ҳужум бошлади. Ҳужум 4 ҳарбий округдан: ғарбда – Манғиқишлоқ, шимолда Оренбург, Шарқда – Туркистон ва Красноводск ҳарбий округларидан олиб борилди. Йўлга чиққан 13 минг кишидан жазира иссиқ туфайли 7,5 минг киши манзилга етиб келди. 1873 йил 29 май куни Хива шаҳри эгалланди. 1873 йил 12 август куни «Гандамиён» шартномаси имзоланди. Шартномага биноан Хива хонлиги Россияни ярим мустамлакасига айланди. Хонлик ҳудудида савдо қиладиган рус савдогарларига имтиёз берилди. Хива хонлиги 20 йил давомида 2,2 млн рубл миқдоридан товон тўлайдиган бўлди.

Қўқон хони Худоёрхонга қарши турли солиқ ва мажбуриятлардан азият чекан халқ 1875 йилнинг июлида кўзғолон кўтарди. Кўзғолонга хонга қарши муҳолифотда бўлган Абдурахмон Офтобачи бошчилик қилди. Худоёрхон Россия хомийлигига ўтиб, Оренбурга жўнатиладиган кейин чор Россияси қўшинлари кўзғолонни бостиришга жалб этилди. 1875 йилнинг 22 августидан

Махрам қаъласида Кауфман ва Абдурахмон Офтобачи кўшинлари Ўртасида жанг бўлиб, Кауфман кўшинлари ғолиб келди. 1875 йилнинг 22 сентябрида Марғилонда Кўкон хони Насриддинбек ва Кауфман Ўртасида шартнома имзоланди. Унга кўра Сирдарёнинг унг соҳилидаги ерлар Наманган ва чуш шаҳарлари билан бирга Россия ихтиёрига берилди. У ерда Наманган бўлимини тузилиб, унга генерал И. Скоблев бошчилик қилди. Аммо Худоёрхонни жияни Пулатбек Андижонда кўзғолонни давом эттирди. Аммо Россия кўшинлари кўзғолонни бостириб, 1876 йилнинг 18 феввалида Кўкон хонлиги Россия империясига қўшиб олинганлиги эълон қилинди. 1876 йилнинг 19 феввалида эса Кўкон хонлиги худудини ўз ичига олган Фарғона вилояти ташкил этилди.

Россия маъмурлари томонидан Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича 2 та низом лойиҳаси қабул қилинган. Булар 1867 йилдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича» Вақтли низом лойиҳаси ҳамда 1886 йилда қабул қилинган Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича Янги Низом лойиҳаси ҳисобланади. Туркистон Генерал Губернаторлиги маъмурий жиҳатдан 5 та вилоятга Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Фарғона ҳамда Закапий вилоятларидан ташқари топган эди. Вилоят ҳарбий губернаторлигига генерал даражасидаги олий ҳарбий зобитлар губернатор этиб тайинланган. Вилоятлар уездларга, уездлар участкаларга бўлинган. Ушбу худуд бошлиқлари ҳам Русь зобитларидан тайинланган. Фақат маҳаллий аҳолини орасидан бўлиш бошқарувчиси (оқсоқол ёки мингбоши) кишлоқ оқсоқоллари (юзбоши, эликбоши, унбоши) қабилар номига сайланган (аслида чор маъмурларига содиқ кишилардан тайинланган) Туркистон генерал гурбурнаторлигида фақат иккита шаҳарга Тошкент ва Верний (Олмаота) га шаҳар бошқариш Низомни қўлланилган. 1886 йилдаги Янги низом лойиҳасида ер тузилиши деган маҳсус бўлим бўлиб, унинг 255- моддасига кўра Туркистондаги барча ерлар давлат мулки деб эълон қилинди. Вақф мулклари ҳам давлат мулкига айлантиришди. Бундан ташқари бўлимнинг 295-моддасига биноан ҳукумат тасарруфида бўлган «бўш» ётган давлат ерларига рус аҳолисини кўчириш режалаштирилди. Туркистонда дастлабки рус қишлоғи 1875 йилда Авлиёотада ташкил этилган эди. Россия Туркистондан хом ашё асосан пахта хом ашёсини олиб кетар ва бу ерда фақат дастлабки ишлов берувчи заводлар қураб эди. Масалан XIX аср охирида Туркистондаги мавжуд саноат корхоналарни 70 % пахта тозалаш саноати 7% мой ишлаб чиқариш саноати,

5 % озиқ –овқат саноати ташкил этар эди. Чор Россияси Туркистонда руслаштриш сиёсатини олиб борди. Махаллий ёшлардан Чор Россияга садокатли хизматкорлар тайинлаш мақсадида ўша пайтдаги Туркистон генерал губернатори Розенбах тавсияси билан 1886 йилдан бошлаб Туркистонда «Рус тузем мактаблари» (руслар махаллий аҳолини туземцы деб атаганлар) вужудга кела бошлади. Аммо бу каби мактаблар оммалашмади. Бунга махаллий халқни ўз диний этикодига ўта садокати йўл қўймади.

Туркистон Россия мустамлака тизимининг энг нотинч худудларидан ҳисобланган. Турли хил солиқларни кўпайиши, миллий ва диний урф одатларни таҳқирланиши, кейинчалик рус аҳолисини Туркистонга қўчирила бошланиши барча ижтимоий қатламнинг хатто махаллий мулкдорларни ҳам норозилигини кучайтирди. Бу эса махаллий аҳолини кўзғолон ва ғалаён кўтарилишига олиб келди. Кўзғолонларни ҳаракатлантирувчи кучи оддий халқ дехқонлар, хунарамандлар, чорвадорлар эди. Масалан, 1885-1892 йилларда Фаргона вилоятида халқнинг 205 марта сиёсий чиқишлари рўй берганлиги манбаларда қайд этилади. 1892 йилнинг ёзида Тошкентда тарихга «Вабо исёни», «Тошотар воқеаси» номи билан кирган кўзғолон бўлди. Кўзғолонни асосий сабаби махаллий аҳолини урф одатларини таҳқирланиши эди. Кўзғолон бострилиб 60 киши тергов қилиниб, 8 киши ўлимга ҳукм этилди. Туркистонда кўтарилагн озодлик ҳаракатининг энг йириги 1898 йилдаги Андижон кўзғолонидир. Кўзғолонга «Дукчи Эшон» номи билан машҳур бўлган Муҳаммад Али Эшон бошчилик қилган. Аммо кўзғолон тартибсиз бошланганлиги, кўзғолончилар ночор қуролланганлиги сабабли кўзғолон бостирилди. Жами 388 киши жазоланди, 18 киши Сибирга сурган қилинди, 5 киши осиб ўлдирилди. Аммо бу каби жазолар Туркистон халқларини миллий озодлик ҳаракатини тўхтата олмади. XX аср бошида Туркистонда Намоз Пиримқулов бошчилигидаги қасоскорлар Чор мустамлакачиларга қарши кураш олиб бориб, уларни ташвишга солди. Халқ Намозни «Намоз Ботир» деб атаса, мустамлакачилар уни «Намоз угри» деб аташар эди. Намоз Пиримқулов Самарқанд ва Каттакўрғон оралигида фаолият юритиб, нафақат рус мустамлакачиларини, балки уларга хизмат қилган махаллий бойларни ҳам додини берган. «Намоз Ботир» Лутфилла Хўжаев деган сотқин кимса томонидан мустамлакачиларга тутиб берилган.

Жаъидчиликни бутун туркий дунёдаги ғоявий отаси карим татар фарзанди Исмоилбек Гаспаралибей бўлиб, у ўз қарашларини 1872 йилдан

Богчисаройда Чоп этила бошланган «Таржимон» газетаси орқали ташвиқ этган. «Жаъид» сўзини ўзи арабча Янги усул деган маънони беради. Хуррият, Мусават, адолат (озодлик, тенглик, адолат) жадидларни уч асосий тамойили эди. Махмудхўжа Бехбудий Туркистон жадидларини байроқдори ҳисобланган. Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулқодир Шакурий, Абдулла Авлониёлар ҳам Туркистон жадидларининг нуфузли вакиллари эдилар. Жадидлар учун Туркия идеал (намунадаги) давлат эди. Жадидлар ислом динига Қарши эмас эдилар, фақат ислом дини номидан ақида парстлиги яъни ислом дини номидан ўз шахсий манфаатини кўзлаб фаолият юритувчи шахсларга қарши эдилар. Жадидлар халқни кўзини очиш учун энг аввало Янги усул мактаблари тармоғини кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Бу мактабларда дунёвий фанлар ҳам уқитилар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилар эди. Жадидлар дунёвий тарих фанини ёшларга уқитишга ўта муҳим деб ҳисоблар эдилар. Жадидлар кейинчалик Туркистонда демократик давлат қуришни ҳам режалаштирган эдилар.)

Туркистондаги 1916 йилдаги халқ кўзғолонини келтириб чиқарган асосий сабаб Россия императори Ниқолай II 1916 йил 25 июнда Туркистон, Сибир ва Кавказдаги маҳаллий миллат вакиллари бўлган 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни фронт орқасидаги хизматлар учун сафарбар қилиш туғрисида фармон чиқарди. Туркистон халқлари орасида у «мардикорликка олиш» деб ном олди. Туркистонни Сирдарё вилоятидан 87 минг, Самарқанд вилоятидан 38 минг, Фарғона вилоятидан 50 минг киши олиш режалаштирилди. Маҳаллий халқ бунга кўзғолон билан ўз норозилигини билдирди. Дастлабки кўзғолон 4 Июлда Хўжанда ундан кейин 5 Июлда Самарқанд вилоятида, 11 Июода Тошкент ва Наманганда юз берди. 1916 йилги кўзғолонни энг кучли нуқтаси Жиззах кўзғолони бўлиб у 13-18 июль кунлари бўлиб ўтди. Жиззах кўзғолонига Назирхўжа Эшон ва Абдурахмон жевачи бошчилиқ қилди. Туркистондаги кўзғолон 25 Июл куни тўлиқ бостирилди.

Россияда подшо ҳокимиятига қарши 1917 йилнинг февраль ойида буржуа демократик инқилоби амалга оширилди. Инқилобга буржуазия раҳбарлик қилди, унинг ҳаракатлантирувчи кучи эса ишчилар, дехқонлар оддий халқ вакиллари эди. Инқилоб натижасида Россияда 300 йил ҳукмронлик қилган Рамановлар сулоласи ағдарилиб, Россия Республика деб эълон қилинди. Аммо Россияда ва унинг мустамлақаси бўлган Туркистонда

хам 1917 йил 4 июлига қадар 2 ҳокимиятчилик яъни буржуазия бошчилиги қилаётган Мувваққият ҳукумат ва ишчи содат деҳқон депутатлари фаолият юрита бошлади. Туркистонни бошқарув тизимида ҳам ўзгариш бўлди. Туркистон генерал губернаторлиги ўрнига Туркистон комитети тузилди. Бухоро Амирлигини назорат қилувчи императорни сиёсий агентлиги ўрнига Россия президенти лавозими жорий этилди. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги эълон қилинди. Натижада Россияда турли партияларнинг туркистондаги бўлимлари фаоллашди. Жадидлар раҳбарлик қилаётган Туркистондаги миллий сиёсий кучлар ҳам ўз ташкилотлари, партияларини туза бошлади. Жадидлар ташаббуси билан 1917 йил 14 мартда «Шурои Исломия» дан «Шурои Уламо» ажралиб чиқдилар. Улар ўз дастурларида жамиятни барча жабхаларида Ислом дини устивор бўлишини эълон қилдилар. «Шурои Уламо» ни раҳбарлари Шерали Лапин, Абдумалик Ҳожи Набиев ва бошқалар эдилар. Бундан ташқари Туркистонда 1917 йил июлда «Туро» жамияти ва «Турк Адами Марказият партияси», 1917 йил Сентябрида эса барча мусулмон ташкилотлари, партиялари «Иттифоқи муминин» партиясини ташкил этишди.

Таянч иборалар

Туркистон генерал губернаторлиги, Туркистон ўлкасини бошқариш туғрисидаги Вактли низом лойихаси, Кауфман, Скоблев, Абрамов Гандамиён шартномаси, Зарафшон округи, Дукчи Эшон кўзғолони, «Вабо исёни», Жадидчилик, рус тузем мактаби, «Шурои Ислом», «Шурои Уламо», Махмудхўжа Бехбудий.

Саволлар

- 1.Ўрта Осиё масаласида Англия нима учун Россияга ён берган деб ўйлайсиз?
- 2.Россияни Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик тизими Англия ёки Франция мустамлакачилик тизимида нимаси билан фарқ қилади.
- 3.Россия нима учун Бухоро ва Хивани тўлиқ мустамлакасига айлантормаган?

4. Рус мустамлакачилари нима учун жадидларни таъкиб этганлар.

Адабиётлар

1. Каримов. И. А. Тарихий Хотирасиз келажак йўқ, Тошкент, Шарқ, 1998 йил.

2. Усмонов. Қ ва бошқалар, Ўзбекистон тарихи, Тошкент, Иқтисод моллия, 2006 йил.

3. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига Қарши кураш, Тошкент, Шарқ, 1998 йил

4. Жадидчилик, ислохат, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш, Тошкент, 1999 йил.

5. Зиёев Х. Ўзбекистон мустақилиги учун курашлар тарихи, Тошкент, 2001 йил.

V. МУСТАБИД СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИ.

1917 йилнинг 25 октябри (Янги ҳисоб билан 7 ноябрида) РСДРП нинг большевиклар оқими етакчиси В.И. Ленин бошчилигидаги уюшган гуруҳлар Петербургда Қишки саройни эгаллаб, Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлади. Ҳокимият В.И. Ленин бошчилигидаги ҳарбий инкилобий кумита қўлига ўтди. Бу воқеани ақс садоси Россия мустамлакаси Туркистонга ҳам етиб келди. 1917 йилнинг 28 октябридан 1 чи ноябригача бўлган 3 кунлик кўзғолондан кейин Туркистонда ҳам Муваққат ҳукумат ағдарилиб ҳокимият ҳарбий инкилобий кумита қўлига ўтди. 1917 йилнинг 15-22 ноябрида Тошкентда Туркистон ишчи, Аскар ва деҳқон депутатлари советларининг III улка курултойида большевик Қолосов бошчилигидаги Туркистон халқ коммисарлари Совети тузилди. Ҳукумат таркибига маҳаллий аҳоли вакиллари киритилмади. Большевиклар раҳномаси имзо чекан ҳужжатларда миллатларнинг озодлиги эътироф этилсада, амалда улуғ давлатчилик сиёсати олиб борилди. Туркистон миллий сиёсий кучлари ушбу ҳукуматни тан олмаган ҳолда 1917 йил 26 ноябрда Қўқон шаҳрида ўлка мусулмонларининг

IV курултойига йиғилдилар. Курултойда ерли халкларнинг миллий давлати Туркистон Мухторияти тузилганлиги эълон қилинди. Туркистон Мухториятини ҳокимият органи – Муваққат кенгаш ташкил этилди. Кенгаш таркиби 12 кишидан иборат деб белгиланди. Бош вазир лавозимини дастлаб Муҳаммадjon Тинишбоев, у Қозоғистонга чакириб олингандан кейин Мустафа Чукаев эгаллади. 1917 йил 1 Декабрда Туркистон Мухторияти ҳукумати барча халклар миллати, диний этниқоди, жинсидан қатъий назар тенг эканлиги эълон қилинди. 1918 йил 19-26 Январда бўлиб ўтган Туркистон ўлка советларининг IV съезди Туркистон Мухторияти ҳукуматини қонундан ташқари деб эълон қилди ва уни йўқотиш режаларини тузди. 1918 йил 19-21 феврал кунлари большевиклар томонидан Қўқон вайронага айланттирилди. 22 Февралда Рус Осие банки биносида Туркистон Мухториятини таслим бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжатга имзо чектирилди. Туркистон Мухторияти 72 кун яшади.

Ленин ва Троцкий ташаббуси билан Совет давлатида, жумладан Туркистонда 1920-1921 йилларда «Ҳарбий коммунизм» сиёсати амалга оширилди. Бу ноилжликдан қурилган чора эди. Унинг қуйидаги белгилари бор эди. 1. 19-55 ёшли барча меҳнатга яроқли аҳолини мажбурий меҳнатга жалб этилиши. 2. Озиқ-овқат развёрсткасини жорий этилиши, яъни ортиқча озиқ овқатни мажбурий тортиб олинishi. 3. Бозорлар ёпилиши, эркин савдони ман этилиши. 4. Пул муомиласини бекор қилиниши. 5. Майиший хизмат, транспортни бепуллиги. 1921 йилнинг март ойидан Ҳарбий Коммунизм сиёсати бекор қилиниб, Янги иқтисодий сиёсатга ўтилган. 1918 йил 30 апрелида Туркистон Совет Республикаси тузилгач, давлат ва жамиятда большевиклар таъсири кучая борди. Агар авваллари ҳокимиятда большевиклар билан сул эсерлар ҳам фаолият кўрсатаётган бўлса, 1919 йилнинг Март ойидаги Советларнинг VII съезидан бошлаб большевиклар танхо ҳукмронлиги бошланди. Мулкдорларни пайини қирқиш мақсадида Туркистон ХКС раиси Қолесов 1917 йил 9 декабрдаёқ ерни сотиш ва сотиб олиниши, ерни ижарага беришни чекловчи қарор қабул қилинди. Аммо бу қарорни ўша даврда амалга оширишни иложи бўлмаганлиги учун қозғалди. Хусусий мулкни йўқотиш сиёсатини амалга ошириш мақсадида барча қорхоналар хатто майда хунармандчилик устахоналари ҳам мусодара қилиниб давлат ихтиёрига ўтказилди. 1918 йил апрелда тузилган Туркистон Республикаси Халқ Хўжалик кенгаши, унинг жойлардаги ташкилотлари

хужалик фаолиятига раҳбарлик қилди. 1920 йилдан пахта тозалаш саноати, ирригация тармоқлари ҳарбий изга қўчирила бошланди.

Туркистон мухторияти ағдарилгач, Фарғона водийсида, кейинчалик, бутун Марказий Осиёда большевиклар ҳокимиятига Қарши курулли ҳаракат бошланди. Курулли ҳаракат 1918 йил Феврал ойининг сўнги ўн кунлигида Қўкон атрофидаги Бачқир қишлоғида бошланди. Фарғона водийсидаги кўрбошиларнинг энг нуфузлиси Мадаминбек (Муҳаммад Аминбек Ахмадбек уғли) бўлиб, маълумотларга Қарағанда 1919 йилнинг кузида унинг қўл остида 30 минга яқин йигит бор эди. Мадаминбек 1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом овулида Фарғона Муваққат Мухторият ҳукуматини тузган бўлиб, ҳукумат таркибида 16 та ерли ва 8 рус вакили кирган эди. Мадаминбек қон тўқилишининг олдини олиш учун 1920 йил 6 мартда Фарғона шахрида Туркистон ўкчи дивизиясини бошлиғи Верёвкин – Роҳалский билан яраш битими имзолаганлигини Яна бир нуфузли кўрбоши Шермуҳаммадбек хонлик деб ҳисоблаб, 1920 йил 14 майда Қоровул қишлоғида Мадаминбекни қатл эттиради. Умуман Фарғона водийсида Совет режимига қарши курулли ҳаракат 1918-1924 йилларни ўз ичига олиб, ҳаракатда жамиятни барча ижтимоий қатламлари иштирок этган. Қўрбошилар ўртасидаги яқдилликни йўқлиги мағлубиятга сабаб бўлган.

Россиядаги 1917 йил Февраль инқилоби натижасида подшо ҳокимиятини ағдарилиши ва республика эълон қилиниши Хива хони ҳамда Бухоро амирлиги саросимага солиб қўйди. Хоразмда ёш хивалик Хива хонлигида конституцион монархия ўрнатиши режасини туздилар. 1917 йил 5 апрелда Хива хони Асфандиёрхон ёш хиваликлар тузган манифестга имзо чекишга мажбур бўлди. Манифест талабига кўра хонликда конституцион монархия ўрнатилди. Таркиби 30-50 кишидан иборат рухонийлар ва савдо саноат вакилларидан сайланган мажлис ва Нозирлар кенгаши тузилди. 1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь) даги Октябрь давлат тўнтариш натижасида Большевикларни ҳокимиятга келиши Хива хонлигига қарши ҳарбий тажовузни келтириб чиқарди. 1920 йил 2 февралда сўнги Хива хони Саид Абдулла тахдан ағдарилди. 1920 йилнинг 27-30 апрел кунлари Хивада бўлиб ўтган халқ вакиллари Бутун Хоразм курултойи хонлик тугатилганлиги ва Хоразм халқ совет Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Халқ нозирлари Кенгаши раиси этиб Полвонниёз Юсупов, адлия вазирини этиб Бобоохун Салимов сайланди.

Бухоро Амирлигида ҳам Бухородаги Россия резидент ва ёш бухороликлар тазйиқи билан 1917 йил апрелда Бухоро амири Слимхон ислохатлар туғрисидаги манифестга имзо чекан бўлсада, консператив кучлар талаби билан 8 апрел куни ундан воз кечди. Туркистонда большевиклар ҳокимият тепасига қилгандан кейин Бухоро амирлигига Қарши ҳарбий тажовўзни режалаштирди. Нихоят Фрунзе бошчилидаги Қизил Армия кўшинлари 1920 йил 29 августда тажовўзкорликни бошлаб, 2 сентябрда Бухорони забт этди. Амир Олимхон Шаркий Бухорога қочди. 1920 йил 6-8 октябрида халқ вакиллари I Бутунбухоро курултойи Бухоро халқ Совет Республикаси ташкил этилганлигини эълон қилди. Нозирлар Кенгаши раиси этиб Файзулла Хўжаев сайланди. Хоразм ва Бухорода мустабид ҳукмдорларни ағдаришда муҳим роль уйнаган Ёш хиваликлар ҳамда Ёш бухороликлар ташкилотлари вакиллари «Жадид», «Мунвар» ларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг мақсади ўз мамлакатларида миллий-диний урф одатларга дахл қилмаган озод демократик давлат тузиш эди. Аммо большевиклар бунга йўл қўймади.

Бухоро Большевиклари кўлига ўтгандан кейин Амир Олимхон Шаркий Бухорода большевикларга қарши курашга раҳбарлик қилди. Аммо у 1921 йил бошида мағлубиятга учрагач Афғонистонга ўтиб кетди. 1921 йил октябридан бошлаб курашга Туркиянинг собик ҳарбий вазири Анвар Пошо раҳбарлик қилди. Шаркий Бухорода бундан ташқари Иброҳимбек, Давлатманбек каби кўрбошилар ҳам фаолият юритган. Анвар Пошо 1922 йил ёзида бўлган жанглари бирида Болжувон тепалигида ҳалок бўлди. Ғарбий Бухородаги курулли ҳаракатга Мулла Абдулқохор раҳбарлик қилиб, ўнлаб кўрбошилар унга бўйсунар эди. Бухоро Амирлигидаги курулли ҳаракатни ўзига хос хусусияти шундаки, Иброҳимбек, мулла Абулқохор каби кўрбошилар Бухорода Амир ҳокимиятини қайта тиклашга ўринаётган бўлса, Анвар Пошо, Давлатманбек, Жабборбек каби кўрбошилар Бухородан большевикларни ҳайдаш эркин демократик давлат қуриш учун ҳаракат қилаётган эдилар. Хоразмдаги курулли ҳаракатга туркман қабила сардори Жунаидхон бошчилик қилган.

ТСР ни бўлиб ташлаш ва миллий тил белгиларига мухтор республикалар тузиш масаласи дастлаб Марказ ҳамда Туркистонни европалик раҳбар кадрларидан чиқди. Бу таклифни Ленин ҳам қўллаб қуватлаган. Аммо ТСР ни 1920 йилда бўлиб ташлаш кун тартибидан олинди.

Бунга Марказий Осиё худудидаги курулти харакат, Кавказда авж олган миллий низолар ҳамда БХСР ва ХХСР ни ҳам келажакда миллий худудий чегаралашга жалб этиш режаси имкон бермади. Миллий рахбарлардан Турор Рискулов, Файзулла Хўжаев, Султанбек Хожановлар туркий халклар ягона уни бўлиб бўлмайти деган фикрни илгари сурди. 1924 йил 12 июнда РКП (б) Марказий комитети Сийсий бюроси Ўрта Осиёда чегарланиш ўтказиш туғрисида қарор қабул қилди. 1925 йил 13 февралда Советларнинг биринчи умум ўзбек курултойи очилди. Унда «Ўзбекистон совет социалистик Республикаси тузилгани туғрисидаги декларация» қабул қилинди. Ўзбекистон ҳукуматини бошлиғи этиб Файзулла Хўжаев сайланди. Курултой ўтказилган Бухоро шаҳри Ўзбекистонни дастлабки пойтахти бўлди.

Ўзбекистон советларининг Марказий Ижроия Комитети 1925 йил 2 декабрдаги сессияда «Ер ва сувни мусодора қилиш туғрисида», «Ер-сув ислохоти ўтказиш туғрисида» ги декретларни қабул қилди. Ер-сув ислохоти 1925-1929 йилларда уч босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич 1925-1926 йилларда Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида, иккинчи босқич 1927 йилда Зарафшон вилоятида, учинчи босқич 1928-1929 йилларда Сурхандарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида амалга оширилди. Ер сув ислохатини амалга оширишдан мақсад бойлар ерларини мусодора қилиб камбағалларга бериш деб эълон қилинган бўлсада, тортиб олинган ерларни 10% камбағалларга берилди. Қолган қисми колхоз ва савхозларга берилди. XX асрнинг 20 йилларида бутуниттифокдаги каби Ўзбекистонда дехқон хўжалиқларини кооперациялаш изчил амалга оширилди. 1925 йилда республикада барча дехқон хўжалиқларини 36% дан кўпроғини бирлаштирган 595 та ширкат бор эди. Ўзбекистон учун дехқон хўжалиқларини 60% ортиғини бирлаштирган «Ўзбекпахтасоюз» муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1927 йилдан бошлаб, кооперацияни давлатлаштириш тенденцияси кучая борди. 1929 йил кузидан бошлаб, кишлок хўжалиғи кооперациясининг колхозларгача бўлган шакллариға бутунлай барҳам берилди.

1930 йил 6 Февралда кишлок хўжалиғи артемининг биринчи намунавий Низоми қабул қилинди. 1930 йил 17 Февралда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Қоллективлаштириш ва кулок хўжалиқларини тугатиш» туғрисида қарор қабул қилди. Кулок хўжалиқларини тугатиш компартияси Ўзбекистонда 1930 йил февралдан

бошланди. Жадал жамоалаштириш Ўрта ҳолл дехконларга нисбатан зўрлик қилишга қарши Фарғона, Андижон, Бухоро, Тошкент, Хоразм ва Самарканд вилоятларида дехконлар ғалаёнларини келтириб чиқарди. Ўзбекистонда жамоалаштириш расман 1932 йилда тугатилди. Аммо бу пайтда дехкон хўжаликларини 75 % қолхозларга кирган эди. Яққа хўжаликларга давлат томонидан босим ўтказилиши натижасида 1939 йилга келиб деярли 100% дехконлар қолхозларга кирди. Қулок қилинганларни бир қисми Украина, Сибир ва Қозоғистон чўлларига сургун қилинган бўлса, бир қисми республикани бошқа жойларига зўрлик билан кўчирилди. Кўчирилганлар учун республикани ўзида чекка жойларда 17 та «Қулок кишлоклари» аниқроғи лагерлари ташкил этилди. Ўзбекистонда кишлок хўжалигини жамоалаштириш даврида 40000 дан ортиқ дехкон хўжалиги қулок қилиниб, улардан 31700 таси қатағон қилинди.

Бутуниттифокдаги каби Ўзбекистонда ҳам 1925 йилдан бошлаб саноатлаштириш бошланди. Уч йил мобайнида Ўзбекистонда йирик корхоналарни сони 48 тага кўпайди. 1928 йилга келиб улар 166 тага етди. Бу йиллар мобайнида Фарғона тўқимачилик фабрикаси, Тошкентда «Урток» қандалотчилик фабрикаси каби корхоналар қурилди. Бундан ташқари 1931 йилда Тошкент кишлок хўжалик машинасозлиги заводи, 1932 йилда Кувасой Цемент ва оҳак заводи, 1937 йилда Чирчик электр Кимё комбинати, Қўй тош вольфрам молибден конлари ишга тушди. 30 йилларда Чирчик Бўз сув ГЭС лари каскади барпо этилди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистонда 1445 та саноат корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 142 минг ишчи ишлар эди. Аммо қурилайтган саноат корхоналари кишлок хўжалигига асосан пахтачиликка хизмат қилаётган корхоналар бўлиб, марказга буйсунар, ўзбек халқи учун деярли фойдаси йўқ эди.

Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, саводсизликни тугатиш, маориф ишларига катта эътибор берилди. Масалан 1924/25 ўқув йилида республика бюджетининг 24% халқ маорифи учун ажратилди. I ва II босқичли умутаълим мактабларининг сони 1928 – 29 ўқув йилига келиб деярли 2,5 мингтага етди. Саводсизликни тугатишда «Жадид» лар ва жадид мактабларида таҳсил олган миллий зиёлилар хизматидан унумли фойдаланди. Ўзбекистонда вақф мактаблари ҳам саклаб қолинган бўлиб, 1925 йилда уларнинг сони 97 эди. Лекин 1928 йилга келиб, вақф мактаблари бутунлай тугатилди. Олий таълим соҳасида 1918 йил Тошкентда Туркистон давлат Университети (Ўрта

Осиёдаги дастлабки олий ўқув юрти) 1927 йилда Самарқандда Педагогика Академияси ташкил этилди. Илм Фан соҳасида XX асрнинг 20 йилларнинг охирларига келиб Ўзбекистонда ўнларча илмий тадқиқот муасасалри бўлиб, уларда 1000 дан ортиқ илмий ходимлар меҳнат қилар эди. 1932 йилда ЎзССР Марказий ижроия Комитети қошида фанлар Комитети тузилди. Комитет 1940 йили СССР фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалига айлантирилди. Адабиёт соҳасида 1925 йил 18 июнда РКП (б) МК нинг 1925 йил 18 июнда «партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида» деган махсус резолюцияси чиқди. 1926 йил Августда Самарқандда «Қизил қалли» адабий уюшмаси тузилди. 1934 йилнинг март ойида Тошкентда Ўзбекистон ёзувчилари курултойи бўлиб, унда республика ёзувчилар уюшмаси тузилди. Бу даврда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Хамза Ниёзий, Садриддин Айний баракали ижод қилдилар.

1929 йилга келиб, 1921 йил Март ойида эълон қилинган Янги иқтисодий сиёсат барҳам топди. ЯИС давридаги иқтисодий эркинлик барҳам топди. Иқтисодийётни барча жабҳаларида давлат мулки устиворлиги таъминланди. Бошқарув тизимида партия номидан Сталинни яқка ҳукмронлиги таъминлана бошланди. Мамлакатдаги юз бераётган ўзгаришлар, янгилıklar Сталин номига нисбат берилди. Иттифоқдош республикалар жумладан, Ўзбекистон ССР да республика ҳокимияти бошқарувининг ҳамма бўғинлари тўлиқ равишда иттифоқ органларига бўйсундирилди. Ўзбекистон Компартияси ҳам ВКП (б) вилоят бўлими мақомида фаолият юритди. Бинобарин, ҳукмрон партия ва унинг марказқўли қабул қиладиган ҳар қандай қарори республика партия ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий ва шарт эди.

XX аср 20- йилларининг иккинчи ярми ва 30 йиллар бошида Ўзбекистонда «ўн саккизлар гуруҳи» «Иноғомовчилик» «Қосимовчилик», «Бадриддиновчилик» сингари ишлар ва Мунаввар Қори бошчилигидаги миллий зиёлиларни қамоққа олиниш натижасида ўзбек халқининг қўлаб асл фарзандлари қатағон қилинди. «Ўн саккизлар гуруҳи» аъзолари Мухтор Саиджонов, Раҳмат Рафиқов, Иномжон Хидиралiev, Мирзахўжа Ўринхўжаев ва бошқалар Ўзбекистонда бутун ҳокимият РКП (б) Ўрта Осиё бюросининг раиси И.Аю Зеленский ва Ўзбекистон Компартияси масул котиби В.Иванов қўлида тупланганлигидан норози эканлигини билдиришиб, Ўрта Осиё бюросини тугатишни талаб қилишди. Аммо уларга ер сув ислохотига Қарши

чикиб, бойлар манфатини кўзлаган деган айб билан 1925 йил охиридаёқ ўз лавозимларидан олиб ташланди. Шунингдек, 1926 йилдан Ўзбекистон Компартияси МК матбуот бўлими мудири лавозимида ишлаган Рахим Охунжонович Иноғомов ҳам партия ва ҳукуматни халқ манфатига зид тадбирларига Қарши чиққанлиги учун, бадном қилиниб, лавозимидан олиб ташланди. 1926 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси лавозимида ишлаб келаётган Саъдулла Қосимов ва унинг сафдошларига босмачиларни кўллаб қувватлашда, аксилинкилобчи миллатчи ташкилотлар аъзолари билан алоқа боғлаганликда, Ислом динини химоя қилганликда айбланиб, уларга «қосимовчилик» ёрлиги босилди. Уларнинг суди 1930 йил 26 мартдан 26 июнгача Самарканд шаҳрида бўлди. Улардан С. Қосимов, Б. Шарипов, Н.Алимов, Спиридинов отиб ўлдиришга, қолганлар 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Худди шундай айб билан Ўзбекистон ССР Олий судининг прокурори лавозимида ишлаган Шамсиддин Бадриддинов ва сафдошлари ҳам жазоланди. Улар аввал отишга ҳукм этилди. Кейинчалик ҳукми 10 йил қамокқа алмаштирилди. Аслида бу инсонлар миллий манфаатни химоя қилган эдилар. 1936 йилнинг 5 –декабрида СССР нинг навбатдаги конституцияси қабул қилинди. Унда партия никоби остида Сталиннинг якка ҳукмронлиги қонуний мустаҳкамланди. Шундан кейин Сталин мустабид тузумдан норози бўлган кишиларни йук қилиш режасини тузди. 1937-1939 йилларда сиёсий қатагонлар авж олди. Ўзбекистонда ҳам гоҳ яширин, гоҳ ошқора миллий манфаатни химоя қилган миллий сиёсий арбоблар Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Абдулла Каримов, Султон Сегизбоевлар қатагон этилди. Умуман Ўзбекистонда 1937-1939 йилларда сохта айбловлар билан 41 минг киши хибсага олинди, 37 мингдан ортиғи жазоланди. 6920 киши эса отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Қизил террорни амалга оширишда Москвадан жўнатилган Д.З.Апересян, Л.И. Леонов Немировский, Н.А. Загвоздинлар машъум роль ўйнади.

XX асрнинг 20-30 йиллари аттеистик (динни инкор этиш) ҳаракатнинг кучайиши билан таърифланади. Партия органлари, айниқса ёшлар орасида динга қарши кенг миқёсда ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бордилар. Аттеизмга қарши махсус газета ва журналлар, ҳар қил оммавий адабиётлар нашр қилинди. Турли уюшмалар тузила бошланди. Масалан, 1928 йилда «Худосизлар» журнали ва «Худосизлар» уюшмаси ташкил этилди. Бу даврда мусулмон рухонийларининг роли камситилди. Аммо шундай шафқатсизликка

карамай маҳаллий аҳолини анъанавий турмушида ислом дини асосан сақлаб қолинди. Ўзбекистонда руҳонийларнинг асосий қисми XX асрнинг 30 йилларида қатағон этилди. Масжид ва мадрасаларни деярли ҳаммаси ёпилди. Ёш авлод Ислом дини қолдирган улкан маънавий меросдан маҳрум этилди.

1941 йил 22 июнь куни ҳужум қилмаслик тўғрисидаги ўзаро шартнома бўлишига қарамасдан фашистлар Германияси СССР га бостириб кирди. 1941 йил 8 августда давлат мудоафа Комитетининг раиси И.В. Сталин СССР қуроли кучлари бош қўмондони лавозимини эгаллади. Уруш йилларида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга эвакуация қилинган 308 корхонанинг 100 дан ортиғи Ўзбекистонга жойлаштирилди. 1941 йил охиригача қучириб келтирилган корхоналарни 50 таси ишга туширилди. 1942 йилининг биринчи ярмида эса қолган корхоналар ҳам ишга туширилди. 1942 йилининг Ўрталарига келиб Ўзбекистон халқ хўжалиғи тўлиқ ҳарбий изга қўчилди. Уруш йилларида Ўзбекистондан 1433230 киши урушга сафарбар этилган. 1941 йилда Ўзбекистонда 6,5 миллион киши яшаган. 1941 йил 26 июндан бошлаб, ишчи ва хизматчилар учун иш вақти 11 соат қилиб белгиланди. 1941 йил 14 декабридан ҳарбий корхоналар ходимлари урушга сафарбар қилинганлар қаторига қўшилди ва шу корхоналарга бириктирилди. Ўзбекистонда дастлабки комсомол ёшлар бригадаси 1941 йил октябрь ойида «Ташсельмаш» заводида ташкил этилди. 1942 йил бошларига келиб республикада бундай бригадалар сони бир неча ярим мингтага етди. 1943 йилда саноатнинг республика халқ хўжалиғидаги салмоғи 75% етди. Уруш йилларида Ўзбекистонда индустриянинг барча соҳаларига таалукли 280 та саноат корхонаси қурилди. Ушбу даврда 7 та электр станцияси, жумладан Салар ва Фарҳод ГЭС лари қурилди. Уруш йилларида иттифокнинг мудоафага тегишли қурилиш ва саноат корхоналарида 155 минг Ўзбекистонлик меҳнат қилган. Уруш йилларида барча меҳнатга яроқли аҳоли фронтга сафарбар этилганлиги учун қишлоқ хўжалиғида фақат аёллар ва ўсмирлар меҳнат қилди. 1942-1943 йиллар мобайнида 546 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Бу даврда янги экин қанд лавлагини экин қўйилди. 1943 йилда 1,5 мил центнердан ортиқ лавлагини давлатга топширилди. Зира булок, Қўқон ва Янгийўлда қандлавлагини қайта ишлашчи қанд заводлари қурилди. 1941 йилда пахта топшириш режаси бажарилди. Аммо ишчи қучи етарли асбоб усқунани етишмовчилиғи сабабли 1943-1944 йилларда режа бажарилмади. Аммо бу сабаблар ҳисобга олинмади.

Ўзбекистонни ўша пайтдаги раҳбари Усмон Юсуповга огоҳлантириш берилди.

Уруш айни қизгин паллага кирган вақтда яъни 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилди. Бу академиянинг таркибида 22 та илмий муассаса мавжуд бўлиб, уларда 818 илмий ва илмий техник ходим фаолият кўрсатди. Уруш йиллари Москва, Ленинград, Киев, Минск ва бошқа шаҳарлардан кўчириб келтирилган олимлар Ўзбекистон олимлар билан маҳкам алоқада иш олиб бордилар. 1943 йилда Ўзбекистонда 41 олий ўқув юрти (улардан 12 таси кўчириб келинган) ва 52 та Ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсатган. Уруш йилларида Хамид Олимжон «Дўстлигимиз тўғрисида», «Ўрик гуллаганда» Гафур Ғулом «Сен етим эмассан» каби шеърларини яратди. Ўзбекистонда ўша пайтда 35 маҳаллий, 16 та кўчириб келтирилган театрлар фаолият юритди. Уруш йилларида Ўзбекистонлик жангчилар фронтда қахрамонлик кўрсатдилар. Брест қалъаси уч марта шухрат ордени нишондори М.Каримов Москва остонасидаги жангда Қахрамон унвонига эга бўлган Сандусмон қосимхўжаев, Сталинград учун жангларда белига гроната боғлаб, ўзини танк остига ташлаган Камол Пулатов, Днепр учун жангларда қахрамон унвонига эга бўлган Бухоролик Халлок Аминов шулар жумласидандир. Тошкентда тузилган ўзбек генерали Собир Раҳимов дивизияси Кавказдан то Шарқий Пруссиягача бўлган жангавор йўлни босиб ўтди. Ахмаджон Шуқуров, Зулмат Ҳасанов, Мамадали Топиболдиев, Жонибек Отабоев каби Ўзбекистонлик партизанлар ҳам жасорат кўрсатдилар. Ўзбекистонлик 120 мингдан ортиқ йигит киз уруш йилларида орден ва медалларга, 280 киши Қахрамон унвонига сазовор бўлди, улардан 75 нафари ўзбек эди, 82 нафар Ўзбекистонлик жангчи учала даражадаги Шухрат ордени билан мукофотланди. 1945 йил 2 майда Берлин гарнизони таслим бўлди. 9 май куни Германияни сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисидаги хужжатга имзо чекилди. Уруш якунланди. Президент И.А.Каримов халқимизнинг фашизмга қарши озодлик учун кураш фронтларида кўрсатган жасорати, берилган юз минглаб қурбонлар абадул абад ёдда тутилишини таъкидлаб, 9 –май кунини «Хотира ва кадрлаш» куни деб эълон қилди.

Урушдан кейинги йилларда партия «маҳаллийчилик ва миллий чекланганликнинг ҳар қандай кўринишларига» Қарши миллий ҳаракатларга Қарши кураш олиб борди. Совет ва давлат хавфсизлиги ташкилотлари эркин

фикр юритишни таъкиб этар, республикада мустақилликка эришишнинг ҳар қандай кўринишни бўғиб қўяр эди. Уруш тугагач, орадан кўп ўтмай Ўзбекистон бўйлаб яна бир ялпи киргин тулкини етиб келди. XX асрнинг 50 йиллар бошидаги катагонлар асосан фан ва адабиёт арбобларига таълуқли бўлди. Марказнинг 1946-1948 йилларда айрим санъат ва бадиий асарларни синфийлик принципи талабларидан келиб чиқиб, танқид қилган қарорлари ғоявий асос бўлиб хизмат қилди. 1951 йил августда республика матбуотида «баъзи шоирларнинг ижодидаги бузғунчилик тўғрисида», «Ўзбек Совет адабиёти вазифаларидан четда» номли мақолаларида Туроб Тўла, Миртемир, Ойбек, Собир Абдулла асарлари танқид қилинди. 1951 йили «Советларга Қарши миллатчилик фаолияти» да айбланиб қамокка олиндилар, сўнг эса 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Ўзбекистон маданиятининг асоссиз катагон қилинган кўпгина арбоблар 1956 йилда шахсга сиғиниш фош этилиши шарофати билан оқландилар.

Урушдан кейинги йилларда асосан марказ манфаатларидан келиб чикан ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида бир қанча машинасозлик заводлари (Ташсельмаш, Ўзбексельмаш Красный двигатель) ҳарбий қурол яроғ ўрнига пахта териш, тракторлар учун эҳтиёт қисмлари, тиркама ускуналар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Урушдан кейинги ҳар бир йилликда 100 тага яқин саноат корхоналар ишга туширилди. XX асрнинг 50 йилларда Бухоро вилоятининг Газли шаҳрида улкан газ нефть қонининг топилиши Ўзбекистонда газ саноатининг ривожланишига асос солди. XX асрнинг 50-60 йилларда Ўзбекистонда қора ва рангли металлургия ҳамда химия саноатида Янги соҳа гидролиз соҳаси вужудга келди. Урушдан кейинги йилларда иттифок ҳукумати Ўзбекистонни марказга пахта етиштириб берувчи ўлкага айлантиришни режалаштирди. 1946 йил 5 февралда иттифок ҳукумати 1946-1953 йиллар даврида Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш режаси ва тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор асосан Ўзбекистонда пахта монокультурасини шакллантиришга қаратилган эди. Марказ пахта хом ашёси ишлаб чиқариш юзасидан Ўзбекистон учун белгиланган режани бажаришга доир республика ишларини каттик назорат қилар эди. Урушдан кейинги икки ўн йилликда Ўзбекистонда ўнта сув омбори қурилди. Жумладан: Бухоро вилоятида Кўйилмозор, Қашқадарё вилоятида Чимкўрғон, Тошкент вилоятида Тошкент сув омборлари ишга тушди. Асосий эътибор

пахтачиликка қаратилган ҳолда озик овқат етказиб берувчи тармоқларга етарли эътибор берилмади. Масалан, 1970 йилда галла, картошка етиштириш урушдан олдинги даражадан паст эди. Томорка ерлари чекланган эди. Масалан, 1956 йилда дехқон томорқаларини Ўртача майдони 0,1 гектарни ташкил этар эди. 1958 йилда МТС лар тугатилди. Қишлоқ хўжалигида тракторлар сони 60 мингтадан 121 мингтага ошди. Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида республикага берилган минерал ўғитлар ва захарли химикатлар йилдан йилга кўпая борди. 1951 йилда минерал ўғитлар 0,9 млн тоннани ташкил этган бўлса, 1970 йил уларнинг миқдори 3,5 млн тоннага етди. Марказ кўрсатмаси билан пахта далаларига авиация ёрдамида захарли химикатларни сепиш йилдан йилга кўпая борди. Масалан 1964 йилда пахта майдонларининг 66,5 фоизига авиация ёрдамида захарли моддалар сепилди. Ўша йили 659 киши захарланди, уларнинг кўпчилиги ҳаётдан кўз юмди. Пахта ялпи ҳосили йилдан йилга кўпая борди. Ялпи ҳосил 1945-1970 йилларда 850 минг тоннадан 4 млн 493 минг тоннага, яъни 6,3 баравар кўпайди. Лекин ўзбек халқи меҳнати билан яратилган бойликнинг фойдасини Марказ кўрди. Ўзбек халқи унинг салбий оқибатлари натижасида азоб уқубатлар тортди. Пахта якка ҳокимлиги натижасида қишлоқ хўжалиги озик овқат маҳсулотлари билан республика аҳолиси эҳтиёжларини қондира олмади. Ўзбекистонда аҳолини жон бошига озик овқат маҳсулотлари белгиланган физиологик нормадан кам эди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда республикада қишлоқ хўжалик олий ўқув юрти ва 12 та техникум ишлаб турди. Аммо уларнинг моддий техника базаси қашшоқ бўлганлиги учун тайёрланган кадрлар савияси паст эди.

Ўзбекистонда урушдан кейинги йилларда ўзбек халқининг саъий ҳаракатлари билан таълим соҳасида маълум ютуқларга эришилди. 1940/41 ўқув йилидан 1970/71 ўқув йилигача бўлган даврда умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар сони 2,5 баравар ортди. Аммо давлат томонидан фан, маданият ва халқ таълимига сарф харажатлар бюджет маблағининг 2,7 фоизини ташкил этар эди. Бу қолдиқ принципи деб аталган. Мактабларда она тилини ўрганишга ажратиладиган дарс соатлари рус тилига ажратиладиган дарс соатларини ярмини ҳам ташкил қилмас эди. Советлар даврида СССР тарихи деб номланган аслида Россия тарихидан иборат фан ўқитилар эди. Унга илова сифатида «Ўзбекистон СССР тарихи» бир неча соатгина ўқитилар, кўп ҳолларда бу курс ўқитилмай қолиб кетар эди. Урушдан

кейинги даврда ўзбек адабиётига уруш йиллари вояга етган кўплаб ижодкорлар адабиётга кириб келдилар Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, Туроб Тула, Шукрулло, Примкул Қодиров, Одил Ёқубов ва бошқалар шулар жумласидандир. 50-60 йилларда романчиликда 20 дан ортиқ асар жумладан Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» ва бошқа кўплаб асарларни таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон ёзувчилари ва мусика арболари билан ижодий ҳамкорликда самарали иш олиб бордилар. Бу даврда А. Ҳидоят, С. Эшонтўраев, Х. Носирова, Л.Саримсоков, Ш. Бурхонов сингари ўзбек сахнаси усталари донг таратдилар. Ўзбекистон фани ҳам ҳар томонлама ривожлана борди. Илмий ходимлар сони 1960-1970 йилларда икки ярим бараварга ўсди ва 25 минг нафарга етди. 1985 йилда Ўзбекистонда умумтаълим мактаблар сони 7000 дан ортиқ бўлиб, уларнинг 60 фоизи нобоб биноларда жойлашган 700 таси авария ҳолатида эди. Ўзбек адабиёти XX асрнинг 80 йилларида ҳам анча қаламқаш истеъодларини етиштириб берди. Ўлмас Умарбеков, Ҳудойберди Тўхтабоев, Ўктам Усмонов, Ўткир Хошимов, Шукур Ҳолмирзаев кабилар шулар жумласидандир.

Шароф Рашидович Рашидов (1917-1983й) республиканинг атоқли давлат, жамоат ва сиёсий арбоби, ўзбек ёзувчиси, XX аср 30-40 йилларнинг иккинчи ярмида у Самарқанд вилоят газетаси, сўнгра «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири бўлиб ишлади. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси бошқаруви раиси бўлди. 1950-1959 йилларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси бўлди. 1959 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Компартияси марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб келди. Шароф Рашидов 1966 йилдаги зил зиладан сунг Тошкентни қайта тиклаш ишида у кўп куч қувват ва гайрат сарфлади. Тошкент метрополитени унинг ташаббуси билан бошланган. Метрополитенни биринчи навбати 1977 йил 6 ноябрда ишга туширилди.

Иттифок ҳукуматининг кўрсатмаси билан 1956 йили пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида Мирзачўлдаги 300 минг гектар унумдор қуруқ ерларни сугориш ва ўзлаштиришга қарор қилинди. Шу мунособат билан 1961 йил 127 км узунликдаги энг йирик Жанубий Мирзачул канали қўриб битказилди. 1968 йили 63 км ўзунликдаги Марказий Мирзачўл коллектори қурилди. Амударёдан Бухоро вилоятига сув етказиш мақсадида 1965 йили узунлиги 200 км бўлган Аму-Бухоро канали қурилди. Шеробод

чўлидаги муҳим суғориш иншооти ҳисобланган 56 км ли Аму Занг канали 1973 йилда қуриб битказилди. Қарши даштини ўзлаштириш учун қурилган Қарши магистрал канали 1974 йилда ишга туширилди. Сурхон Шеробод водийсида қурилган иншоотлар 114 минг гектар майдондаги қуруқ ерларни ўзлаштириш имконини берди. Сирларё ва Амударёдан тобора кўп сув олиш Орол денгизининг қуриб боришига олиб келди ва уни оби ҳаётдан маҳрум этди. Бу нарса бутун Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни мушкуллаштириб қўйди.

XX аср 80 йилларининг ўрталарида совет жамиятини ислохатлар йўли билан сақлаб қолиш мақсадида КПСС МК бош котиби М.С. Горбачёв 1985 йил апрель пленумида «қайта қуриш» йўлини эълон қилди. Қайта қуришнинг биринчи босқичи (1985-1987 йиллар)да илмий техника ютуқларини ишлаб чиқаришга қўллаш орқали иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш эди. Аммо у барбод бўлди. Қайта қуришнинг иккинчи босқичи (1987-1990й) да жамиятни барча жабҳаларини комплекс ислох қилиш режалаштирилди. Аммо бу режа ҳам амалга оширилмади. Қайта қуриш даврида жамиятни демократиялаштириш жараёни, жамиятни маълум даражада уйғотди, ижтимоий фаоллик ошди. СССР да сайлов тизимини ўзгартириш тўғрисидаги Қонун (1988 йил декабр)нинг қабул қилиниши ҳам жамият аъзолари ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий иқтисодий, маданий ҳаётида Ўзкомпартиянинг XVI пленуми (1984 йил 23 июнь) маълум роль ўйнади. Ушбу партиявий тадбир «юкори»нинг талаби билан ўтказилган бўлиб, унинг мақсади маҳаллий раҳбар кадрларни обрўсизлантриш аввал «пахта иши» кейин «ўзбек иши» ни тўқиб чиқариб маҳаллий раҳбарларни пораҳўрликда жиноятда айблаш эди. 1984-1990 йиллар ичида Ўзбекистонда XX аср 30-50 йилларида содир бўлган қатағонлардан қўлам жихатидан кам бўлмаган бедовликлар юз берди. «Пахта иши», «Ўзбек иши» аслида марказда уйлаб топилган бўлиб, марказ томонидан қатағон сиёсатини олиб бориш учун уюштирилган эди. Энг аввало қатағон қиличи Шароф Рашидов номини бадном этишдан бошланди 80-йиллар қатағонидан ҳеч бир халқ ўзбек миллати қаби талофат қўрмади. Гдлян ва Иванов раҳбарлигидаги отрядлари турли баҳоналар билан ўн минглаб раҳбарларни ишдан олиб аксариятини қатағон этдилар. Биргина 1984-1987 йилларла Москва, Ленинград ва Россиянинг бошқа шаҳарларидан 400 дан ортиқ киши Ўзбекистоннинг партия

совет, маъмурий хўжалик ораганларига ишга юборилган. Марказдан юборилган амалпарастлар Ўзбекистоннинг партия ва ҳокимият тизимларида асосий ўрин эгалладилар. Ўзбекистоннинг миллий ва ҳудудий ўзига хосликларини билмаган «десантчилар» ўзбек халқини миллий гурурини поймол қилишга уриндилар. Бу нарса ўзбек тили, дин миллий урф-одат, анъана маросимлар, айниқса «Наврўз» байрамига бўлган мунособатиде яққол намоён бўлди. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги айрим раҳбарлари (Иномжон Усмонхўжаев, Рафик Нишонов ва б.) қаътийлик журъат собиқ иттифок доирасида республиканинг реал тутган ўрнини очик ойдин айтиш учун мардлик етишмади. XX аср 80-йиллар иккинчи ярмида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар айниқса жамоат ташкилотларини фаоллашувиде юз берди. Жумладан, 1988 йилнинг 11 ноябрида «Бирлик халқ ҳаракати» (раҳбари Абдурахим Пулатов) жамоат ташкилоти сифатида ташкил топди. Худи шу йили Ўзбекистон эркин ёшлар уюшмаси тузилди. 1990 йил 30 апрелда «Эрк» демократик партиясининг (раҳбари Муҳаммад Солих) таъсис қурилтойида унинг дастур ва низоми қабул қилинди. Аммо бу партия ва ҳаракатларда янги жамият қуришни аниқ бир концепцияси йўқ бўлиб, асосан митингбозлик билан шуғулланди.

1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Коммунистик партиясиде биринчи котибликка Ислом Абдуғаниевич Каримов келиши билан мустақиллик сари амалий қадамлар ташланди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Олий Советининг XI сессиясида ўзбек тилига давлат тили 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Совети XII қақирқ I сессиясида Президентлик лавозими жорий этилди ва Ислом Каримов Ўзбекистонни биринчи президенти бўлди. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Совети XII қақирқ II сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Ўша куниде Ислом Каримов бошчилигида 64 кишидан иборат Конституция комиссияси тузилди. Собиқ Совет империяси борган сари танозулга учрай бошлади. 1990 йил охиригача ундан Литва, Латвия, Эстония чиқиб кетди. 1991 йил 19-21 августда собиқ СССР ни куч билан сақлаб қолиш мақсадида СССР Вице президенти Г.И. Янаев мудофаа вазири, Д.Т. Язов бошчилигидаги бир гуруҳ раҳбарлар СССР Президенти М.С. Горбачевни ҳибсга олиб, давлат тўнтаришни амалга оширдилар. Ўша пайтда Ислом Каримов Ҳиндистон сафариде эдилар. Қайтиб келиши билан Президент фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси томонидан Конституцияга зид ҳар қандай фармон ва қарорларга бўйсунмаслигини

билдирди. Ниҳоят Б.Ельцин бошчилигидаги Россия демократик кучлари фитначиларни тор-мор этишди. Энди СССРни парчаланиши аниқ бўлиб қолди.

Таянч иборалар:

Октябрь давлат тунтариши, большевиклар, сўл эсерлар, ўлка мусурмонлар қурултойи, Туркистон мухторияти, ҳарбий коммунизм, янги иқтисодий сиёсат, Бухоро халқ совет Республикаси, Хоразм халқ Совет Республикаси, ер-сув ислоҳоти, қулоқлаштириш, жамолаштириш, сиёсий катағонлар, қўриқ ерларни ўзлаштирилиши, саноатлаштириш нуксонлари, қайта қуриш, мустақиллик сари ҳаракат.

Саволлар:

1. «Туркистон мухторияти» нима учун большевиклар томонидан йўқ қилинди?

2. Жамоалаштириш ва қулоқлаштириш тадбири нима учун бир вақтда амалга оширилган деб ўйласиз?

3. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон халқи ғалабага қўшган ҳиссаси нималардан иборат?

4. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдан марказ қандай манфаат кўзлаган эди?

5. И. Каримов бошчилигида Ўзбекистон раҳбарияти мустақиллик учун ҳаракатда қандай тусикларга учради?

Адабиётлар

1. И.Каримов - «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент, Шарк, 1998 й.

2. Зиёева Д - «Туркистон миллий озодлик ҳаракати». Тошкент, Ғофур Ғулом, 2000 й.

3. Шамситдинов Р. - «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари». Тошкент, Шарк, 2001 й.

4. «Ўзбекистоннинг янги тарихи» 2-китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, Шарк, 2000 й.

VI. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тарихий олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги» тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти, Ўзбекистон Республикаси мустақиллик асослари тўғрисидаги 17 моддадан иборат Қонун, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида қарор қилинди. Мустақиллик декларациясига амалга ошира бориб - Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлиги эълон қилинди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни сифатида дам олиш куни деб эълон қилинди. Халқимиз асрлар мобайнида орзу қилган озодликка эришди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасининг давлат Герби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ X сессиясида 1992 йил 2 июлда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 10 декабрда қабул қилинди. Давлат мадҳиясининг матни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, мусиқаси Ўзбекистон халқ бастакори Мўтал Бурхонов томонидан тайёрланган. 1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси «сўм» муомалага киритилди. 1991 йил 29 декабрдаги Президентлик сайловида 86 фойз овоз олиб Исом Каримов ғолиб чиқди.

1990 йил 20 июнда Олий Кенгашнинг XII чақириқ иккинчи сессиясида янги Конституция тузиш бўйича Исом Каримов бошчилигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия тузилган бўлиб, бу комиссия янги конституция устида устида 2,5 йил ишлади. 1992 йилнинг 26 сентябри ва 26 ноябрида 2 марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши XII чақириқ XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда 6 бўлим 26 боб, 128 моддадан иборат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. 2003 йил 24 -25 апрел кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида Конституциясининг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII боби Олий Мажлисни шакллантиришга бағишланган. 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисга сайловлар тўғрисида, 1994 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. 1994 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга биринчи марта эркин, демократик сайловлар бўлди. Сиёсий партиялар ва халқ депутатлари Кенгашлари депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. 250 нафар депутат муқобиллик асосида сайланди. 1999 йилнинг 5 декабрида Олий Мажлис иккинчи чақириққа сайловлар бўлди. Ташаббускор гуруҳларга ҳам депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Бу сафар ҳам 250 та депутат сайланди. 2002 йил 12 декабрда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг унинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида» Конституциявий қонунлар қабул қилинди. 2005 йил январда илк бор икки палатали парламентга сайловлар бўлиб ўтди. Қуйи палата ҳисобланган қонунчилик палатасига 120 депутат, юқори палата Сенатга ҳар бир ҳудуддан 6 нафардан жами 84 сенат сайланди. Конституцияни 77-моддасига мувофиқ 16 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланди. Депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳларга берилди.)

Ўзбекистонда бошқарув тизими тубдан ислоҳ қилинди. Миллий давлатчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган ижроия ҳокимият - Вазирлар Маҳкамаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмита раислари ва Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Кенгаши раиси қиради. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Конституциянинг XX боби Вазирлар Маҳкамасига бағишланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида» ги қонун асосида суд ислохотлари ўтказилди. Судларнинг мустақиллиги қонулаштирилди, улар одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди. Мустақиллик натижасида Янги суд тизими Конституциявий суд жорий этилди. Унга Президент фармонлари, вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлиса қонунларини Конституцияга қанчалик мослигини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

1992 йил август ойида Президент Ислам Каримовнинг биринчи асари «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва таракқиёт йўли» асари нашрдан чиқди. Мустақилликни бир йиллиги арафасида яратилган Ушбу асарда янгиланган жамиятда яшовчи кишининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий турмуш тарзини кафолатловчи йўللار кўрсатиб берилган. 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди.

Ушбу қонунга биноан жойларда маъмурий буйруқбозлик тизмининг таянчи бўлган партия кўмитасининг биринчи котиби лавозимлари бекор қилиниб, ҳокимлар бошчилик қиладиган ижроия бошқарув тизими шакллантирилди. 1992 йил 3 апрелда Президентнинг Тошкентда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан биринчи учрашуви бўлди. Президент ҳокимлар олдига янгича иш услуби борасида кўрсатмалар берди. 1992 йил давомида Тошкент шаҳри ва 12 вилоятда Президент тавсияси асосида биринчи марта ҳокимлар тайинландилар, Етти миллат вакили ҳоким қилиб тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXVI бобби Мудоафаа ва ҳавфсизлик соҳасига бағишланган. 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Мудоафаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 3 июлда Президент И.А.Каримов фармони билан Мудоафаа ишлари вазирлиги- Ўзбекистон Республикаси мудоафаа вазирлигига айлантирилди. 1991 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Ўзбекистон СССР давлат ҳавфсизлиги Кумитаси тугатилиб, унинг ўрнига Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунадиган Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати ташкил этилди. 1995 йил 1 майда Президент И.А.Каримов Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳавфсизлик Кенгаши тузилди. 1997 йил август ойида Олий Мажлиснинг биринчи чакирик 9 чи сессияси турт бўлим, 28 моддадан иборат «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳавфсизлик концепцияси тўғрисидаги» қонун қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 августдаги «Ўзбекистон Республикасида Давлат солиқ органлари ҳақидаги» қарори асосида Ўзбекистонда янги типдаги солиқ тизими юзага келди. 12 август солиқчилар куни деб эълон қилинди ва байрам сифатида нишонланадиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

1994 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ бош бошқармсини Ўзбекистон республикасининг Давлат Солиқ Кумитасига айлантириш тўғрисида»ги Фармони солиқчилар ҳаётида янги босқични бошлаб берди.

Мустақил Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамиятнинг асослари Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт ва истиклол йўли» (1992), «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда»(1999) ва бошқа асарларида назарий илмий жиҳатдан асослаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилган фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг асосий тамойилларига мувофиқ демократик жамиятга ҳос сайлов тизими шакллантиради. 1991 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисида»ги , 1993 йил 28 декабрда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. 1994 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун сайловчилар ҳуқуқларини кафолатловчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Қонунда ҳар бир сайловчи-фуқаро бир овозга эга эканлиги белгилаб қўйилган. 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти , 25 ёшга тўлганлар Олий Мажлисга, 21 ёшга тўлганлар вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашларига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга.

1991 йил 15 февралда , жамоат ташкилотлари тўғрисида, 1992 йил 2 июлда «Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги , 1996 йил 25 декабрда «Сийёсий партиялар» тўғрисида Қонун қабул қилинди. Ўзбекистонда 5 та сийёсий партия фаолият олиб боради. 1. Ўзбекистон халқ демократик партияси,(1991 йил 1 ноябрда низом ва дастури қабул қилиниб, 1991 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинди). 2. Ўзбекистон Адолат социал демократик партияси (1995 йил 18 февралда Низом ва дастур қабул қилинган, шу куни руйхатдан ўтган), 3. Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси (1995 йил 3 июнда Низом ва дастури қабул қилинган, 1995 йил 9 июнда Адлия Вазирлигида руйхатга олинди) 4. Ўзбекистон Фидокорлар демократик партияси (1998 йил 28 декабрда Низом ва дастури қабул қилинган, 1999 йил 4 январда руйхатга олинган) 5. Ўзбекистон Либерал Демократик партияси (2003 йил 3 декабрда руйхатга олинган). Бундан ташқари Ўзбекистонда

«Халқ бирлиги» ҳаракати (1995 йил 9 июнда руйхатга олинган) ҳамда 7,5 млн аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси фаолият юритади.

Мустақил Ўзбекистон ҳудудида бугунги кунда 130 миллат ва элат вакиллари истикомат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 чи моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» деб ёзиб қуйилган. 1999 йилда Маданият ишлари вазирлиги қошида мамлакат миллатлараро Маданият маркази ташкил этилди. Дастлаб унда 12 та Маданият маркази фаолият кўрсатган бўлса, 1995 йилга келиб, уларнинг сони 80 га етди. 1992 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази ташкил қилинди. Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати ва байналмилал маданият маркази 1996 йилда «Ўзбекистон Миллатлараро ҳамжихатлик йўлида» номли китобни нашр этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67 чи моддасида, «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар» деб ёзиб қуйилган. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари 1996 йил 30 августда Олий мажлис биринчи қақриқ олтинчи сессияси қабул қилинган «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, шунингдек, 1997 йилда қабул қилинган «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги «Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ги қонунлар асосида иш юритади. 2004 йил 1 январгача бўлган статистик маълумотларга Қараганда Ўзбекистонда 12 тилда 866 оммавий ахборот воситалар фаолият кўрсатади. 1996 йил 7 майда Президент Фармони билан Ўзбекистон давлат телевидение ва радио эшиттириш қўмитаси Ўзтелерадиокомпанияга айлантиришди.

Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий негизининг назарий асослари Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли», «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига ҳос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида» ва бошқа асар, нутқ, ва маърузаларида ҳар томонлама кўрсатиб берилган. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» тамойиллари Президентнинг «Ўзбекистон бозор

муносабатлариги ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида кўрсатиб берилган. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг 5 та тамойили мавжуд бўлиб, булар қуйидагилардан иборат.

1. Иқтисодиётни сиёсатдан устиворлиги.
2. Давлатнинг бош ислохатчи эканлиги
3. Жамиятда қонун устиворлиги
4. Кучли ижтимоий сиёсат
5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

Олий Кенгаш томонидан иқтисодиётга оид 100 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XII бобининг 53-55 моддаларида бозор иқтисодиётига асосланган жамиятнинг иқтисодий негизлари ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан иқтисодий ислохатлар биринчи босқичида қабул қилинган қонунлари асосан 5 та йўналишга бўлиш мумкин. 1. Давлатни бошқаришни тартибга солувчи қонунлар. Бу қонунлар жумласига «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилиги асослари тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қабилар қиради. 2. Хусусий мулкчилик ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантирувчи қонунлар. Бу йўналиш доирасига «Мулк тўғрисида», «Ер тўғрисида» ги қаби қонунлар қиради. 3. Хўжалик юртишни тартибга солувчи қонунлар. Бунга «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Сугурта тўғрисида» ги ва бошқа қонунлар қиради. 4. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар. Бу йўналиш доирасига «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ги, «Эркин иқтисодий зоналар» тўғрисидаги қаби қонунлар қиради. 5. Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий қафолатни таъминлайдиган қонунлар. Бу қонунлар жумласига «Ногиронларни ижтимоий муҳофазаси тўғрисидаги», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» қонунларни киритиш мумкин. 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Олий Кенгашининг 12 чи қақриқ 8 чи сессиясида «мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги» қонун қабул қилинди. 1994 йил 16 мартда Президентнинг «Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги» Фармони чиқди. Кичик хусусийлаштириш 1994 йилда тугалланди. 1992-1994 йилларда 64 миңга яқин корхона ва объект давлат тасаруфидан чиқарилди. 1995 йилдан бошлаб, йирик корхоналар ҳам давлат тасаруфидан чиқарилиб,

мулкчиликни турли шаклларига ўтказила бошланди. Бозор инфраструктураси дейилганда, ўзаро аълоқани таъминловчи иқтисодий воситалар тегишли молия ва банк-кредит тизими, суғурта аудиторлик, юридик ва хусусий фирмалар тизими тушунилади. Давлат мулкни хусусий, акционерлик мулкларига ўтказиш мақсадида 1991 йилда мамлакатда биринчи бўлиб, Тошкент, товар фонд биржаси тузилди ва дастлабки ким ошди савдосини ўтказди. 1992 йилда 30 дан ортиқ шундай биржалар тузилди. 1991 йил 15 февралда, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, СССР давлат банкнинг минтакавий бўлими Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига айлантирилиб, унга олтин-валюта захираларини сақлаш, банклар фаолиятини назорат қилиш, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш каби вазифалари юклатилди. 1995 йил 21 декабрда Олий Мажлис 1 чи чақирғ 4 чи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов 1992 йил июн ойида Жанубий Кореяга ташриф буюриб, август ойида Жанубий Корея билан ҳамкорликда Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишиб олинди. Ушбу қўшма корхона таъсисчилари этиб Жанубий Корея Республикаси томонидан «ДЕУ» корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси томонидан эса «Ўзавтосаноат» уюшмаси белгиланди. Корхона «Ўз ДЕУ авто» деб номланадиган бўлди. Ушбу корхона қурилиши 1993 йил февралда бошланиб, 1996 йил 19 июлда -32 ой мобайнида поёнига етказилди. Лойиҳа қувватига кўра, йилга 200 минг автомобиль ишлаб чиқара оладиган бу улкан иншоотнинг умумий қиймати 658 млн долларни ташкил этади. Корхонада 2002 йилдан «Матиз» ва «Нексиа-2», 2003 йилдан бошлаб эса «Лассетти» русумидаги янги автомобиль ишлаб чиқарила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги салмоғи саноатдан сўнг иккинчи ўринни эгаллади. 1992 йилда Президент Фармони билан Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалиги масалалари билан шугулланувчи комплекс ташкил қилинди. Олий Мажлис томонидан қишлоқ хўжалигига оид кўплаб қонунлар қабул қилинган. Жумладан, «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги (1992 й), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги (1993 й), «Ширкат хўжалиги тўғрисида» ги (1998 й), «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги (1998 й) қонунлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон қишлоқ

хўжалигида шакллантирилган кўп укладли хўжаликлар қуйндагилардан иборат. 1. Кооператив мулк сектори. 2. Давлат мулк сектори. 3. Хусусий мулк сектори. 4. Ёрдамчи хўжалик сектори.

Мустаккилик йилларида буюк алломалар маърифатпарварларнинг номлари тикланиб, асарлари нашр этила бошланди. Масалан, Бобурнинг «Бобурнома» асари янгитдан нашр қилинди. Президент И.А.Каримов 1993-йил 23-апрелда бир гуруҳ олимлар билан учрашиб миллий «Темур тузлуклари» тўла эълон қилинди. 1991 йили Алишер Навоийнинг 550 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1994 йил Улуғбек йили деб эълон қилинди ва унинг 600 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан 1998 йил 24 октябр куни Фарғонада Аҳмад ал-Фирғоний таввалудининг 1200 йиллиги, 1999 йил 5 ноябрда Хоразмда Жалолоддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, 1999 йил 17 декабр куни Хоразмда Оғахий таваллудининг 190 йиллиги, 1999 йил 18 декабрь куни Нукусда Ажиниёз Қосимбой ўғли таваллудининг 175 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, диний кадриятлар ва Ислом маънавияти тикланишга катта эътибор берилди. 1992 йил 7 мартда Вазирлар Маҳкамаси ҳўзурида диний кумита ташкил этилди. 1992 йил 27 Мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза хайити кунини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида» Фармон эълон қилинди. Ислом оламининг забардаст алломалари ватандошларимиз Абу –Иб ат Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз Замахшарийнинг 920 йиллиги (1995 йил), Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Накшбандийнинг 675 йиллиги (1993 й), Бурхониддин Марғилонийнинг 1200 йиллиги, Абу Мансур Матрудийнинг 1130 йиллиги (2000 й) кенг нишонланди. Қуръони Карим 1992 йилда Алоуддин Мансур, 2002 йилда Абдулазиз Мансур (изохли таржима) томонидан таржима қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳрида ҳалқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди. Ҳар йили мамлакатимизда ўртача 4 минга яқин фуқаролар Мақа ва Мадинага сафар қилидилар. Президент И.А.Каримов фармони билан 1991 йилдан бошлаб ҳар йили 21 март – «Наврўз» байрами умумҳалқ байрами сифатида нишонланганидан бўлди.

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз мохиятига қура халқимизнинг асосий максад-муддоаларини ифодалайдиган, унинг ўтмиш ва келажагини бир бири билан боғлайдиган асарий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиладиган гоёлар тизимидир. Собик коммунистик мафкура барҳам топгандан кейин жамиятда мафкуравий бўшлиқ юзага келди. Турли бузғунчи мафкуралар хавф солаётганлигини сезган Президент И.А.Каримов 1993 йил 23 апрелда бир гуруҳ адиблар билан учрашиб, миллий истиқлол мафкураси бугунги кунда ўта зарур эканлигини таъкидлаб, Ушбу мафкурани яратиш вазифасини қўйди. Миллий истиқлол мафкурасининг бош гоёси-озод ва обод Ватан, эркин ва форовон ҳаёт барпо этишдир. Миллий истиқлол мафкурасининг бош гоёсида озодлик тушунчасининг устивор ва етакчи ўринда туриш Ватан мустақиллиги барча орзу интилишларимиз, Амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради. Ўзбекистонда барпо этилаётган эркин демократик жамият миллий истиқлол мафкураси билан ҳамоҳангдир. Чунки эркин демократик фуқароли жамияти халқимизнинг асрлар давомида шаклланган анъаналари, миллий ва диний кадрларига таянади.

Ўзбекистон Фани мустақиллик йилларида янада раванқ топди. 1993 йил 4 ноябрда ташкил этилаган Ўзбекистон фанлар академияси моддий техника базаси мустақамланди. Илмий ҳодимлар ҳар томонлама қўллуб қувватланмоқда. Ўзбекистон олимлари чет эл олимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Чет элларда малака оширмоқда. Академиядан ташқари олий ўқув юртлирида ҳам аспирантура ва докторантура орқали илмий даражага эга бўлаётган илмий педагогик кадрлар сони ошмоқда. Фақат олий ўқув юртлирининг ўзида 1462 нафар фан доктори ва 7201 нафар фан номзоди фаолият юритмоқда. 1992 йилда мустақил Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ умумий ўрта таълим таркиб жиҳатдан уч босқичдан, яъни бошланғич (1-4 синфлар) таянч (5-9 синфлар), ва ўрта таълим (10-11 синфлар) дан иборат бўлди. 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1 чи чақириқ 9 сессиясида Президент И.А.Каримов ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Янги таълим тўғрисидаги қонун бўйича таълим турлари мактабгача таълим (6-7 ёшгача), умумий ўрта таълим (9 йиллик), ўрта махсус касб ҳунар таълими, (3 йиллик), Олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим,

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат ўзлуксиз таълим тизими шакллантирилди. Олий таълим соҳасида Президент И.А.Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги фармони билан саккизта вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди. Олий таълим 2 босқичдан яъни бакалавр (4 йил) ҳам магистр (2 йил) босқичларидан иборат бўлди. Ҳозирги кунда 62 та олий ўқув юртида 260 минг талаба ўқимокда.

Мустақиллик йилларида бадий адабиётда миллийлик, минг йиллик тарихий ижодий аънаналар, умуминсоний кадриятлар, эркин фикр юритиш тамойиллари тикланди. Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Хуршид Даврон каби ижодкорларнинг тарихий роман, пьеса ва кесаларида улуг бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг сиймолари умуминсоний кадриятларга мос тарзда янгича ёритилмоқда. Омон Мухторнинг «Турт томон қибла» номли трилогияси, Барот Бойқобиловнинг «Ўзбекинома» тарихий фалсафий достони, Абдуқаҳор Иброҳимовнинг «Биз ким, ўзбеклар» бадий –тарихий асарлар мустақиллик йилларидаги муҳим асарлар сирасига қиради. Ҳайкалтарошлик санъати борасида И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан Тошкентда Амир Темурнинг суворий ҳайкали, Самарканд ва Шахрисабзда Амир Темур ҳайкаллари яратилди. Кино санъати борасида 1996 йилда ташкил этилган «Ўзбекино» акционерлик компанияси, унинг давлат томонидан моддий қўллаб қувватланиши кино санъати ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1991-2002 йилларда 60 га яқин бадий фильм яратилди. Театр санъати соҳасида 1998 йилда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. 2001 йилда Ҳамза номидаги Ўзбек академик театр биноси қайта таъмирланиб, миллий театр мақоми берилди. Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида Президент И.А.Каримов Фармони билан 1996 йил 5 апрелда «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси ташкил этилди.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олиш учун бой имкониятларга эга мамлакат. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ривожланган транспорт, бой энергетика омиллар марказида жойлашган. Ўзбекистон аҳоли сони, илмий техникавий ва бошқа имкониятлари жиҳатдан минтақадаги қўшниларидан маълум даражада устун туради. Ўзбекистон қулай табиий иқлимий шароитга эга. Бизда қадимий

дехқончилик маданияти ва бой минерал ҳом ашё ресурслари бор. Ўзбекистон нефть, газ каби фойдали қазилмалар билан нафақат ўзини таъминлайди, балки уни четга чиқариш имкониятига эга. Ўзбекистонда саноатнинг энг замонавий тармоқлари масалан, микрорадиоэлектроника каби мураккаб соҳаларни ривожлантириш имкони бор.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчилик ва ҳавфсизликни таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳномалигида 1995 йил 15-16 сентябр кунлари Тошкентда Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар кенгаш бўлиб ўтди. Халқаро кенгашда 31 давлат ва 6 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. 1997 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона» мавзuida халқаро конференция бўлди. Унинг ишида 56 давлат 16 та халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. 1999 йилнинг 19-20 июль кунларида Тошкентда БМТ ҳомийлигида Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунида Афғонистондаги можарони хал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида Тошкент декларацияси имзоланди.

Орол муаммоси, у ерда юзага қилган экологик танглик нафақат Марказий Осиё балки бутун дунё жамоатчилиги диққат марказида турмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 2 сентябрда «Қорақолпоғистон Республикаси ҳудудидаги табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ечишни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги қарор қабул қилди. 1995 йил сентябрда И.А.Каримов ташаббуси билан нукусда ўтказилган халқаро конференция тарихий воқеа бўлди. Бу анжуманнинг асосий хўжжукларидан бири – Нукус декларацияси бўлиб, бутун дунё жамоатчилиги эътибори орол муаммосига қаратилди. Ўзбекистонда Орол муаммоси, умуман экологик вазиятни соғламлиштиришда «Экосан», «Аралсос», «Соғлом авлод» каби жамғармалар фаолият кўрсатмоқда.

Президент И.Каримов 1992 йил 3 апрелда ҳокимлик лавозимида тайинланган кишилар билан учрашувда кадрлар танлашда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини билдирди. Биринчидан, кадрларнинг таркиби устида ҳам миллий ва маҳаллий чекланишлардан устун туриш лозим, Иккинчидан, кадрларнинг ишбилармонлик фазилатлари етарлича кадрланиш керак. Учинчидан, ҳоким арзimas сабабларга кура

сарсон-саргардон қилишга, бевосита ўз зиммасидаги иш учун жавобгарликни ўзидан соқит қилишга ўринишга чек қўйиш кераклигини билдирди. Бундан ташқари, И.Каримов кадрларни уч тоифага бўлди 1 чи Тоифа-бу ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ гами ташвишидан бегона кишилар. 2чи тоифа-бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, улар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни хохламайдиган кишилар. 3 чи тоифа-ёш, ташаббускор, кучгайратга тўла, Ватан равнаки учун фидонийлик қилувчи кадрлар. Кадрлар малакасини янада ошириш мақсадида Президент И.А.Каримов ташаббуси билан 1995 йил сентябрь ойида Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларданок аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45 моддасида «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир» деб ёзиб қўйилган. Бу борага тегишли кўплаб қонун ва Фармонлар қабул қилинди. Жумладан, 1992 йил 4 февралда «Ўзбекистонда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бундан ташқари 1994 йил 24 августда Президентнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида» ги, 1996 йил 10 декабрда эса, «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб –қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» ги Фармонлар чиқди.

1991 йилда Совет иттифоқи парчаланиб кетгач, халқаро майдонда Янги –гоят мураккаб ва қалтис бир давр юзага келди. Агар илгари жаҳонда икки карама қарши система СССР ва АҚШ етакчи бўлган бир бирига ғоявий жиҳатдан карама қарши бўлган икки тизим, икки блок мавжуд эди. Дунёнинг ҳавфсизлик тизими ҳам худди шу икки блокнинг ўзаро муҳолифлик мувозанатига асосланган эди. Бу даврни асосий белгилари қуйидагилардан иборат эди. Биринчидан, агар кучлар маркази илгари икки жойда бўлса, энди ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиш зарурати туғилди. Иккинчидан, жаҳон уруши ҳавфи йўқолган бўлсада, буюк давлатлар Ўртасидаги зиддиятлар заифлашмади. Фақат энди бу зиддиятлар ядро палигонларидан кучлироқ, мафкура палигонларида олиб борилмоқда. Учинчидан, жаҳонда мулкий тенгсизлик кучайди. Яъни ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар

Ўртасидаги тафовут кучая бошлади. Тўртинчидан, экологик танглик, биогенетик бузилишлар таҳдиди натижасида дунёда инсонни биологик тур сифатида яшашига бевоқиф хавф –хатар мавжуд бўлди. Бешинчидан, давлатлар ва халқлар Ўртасида ўзаро бирлашишга интилиш кучайди. Олтинчидан, ҳар қандай мамлакатнинг нуфузи, унинг Янги технологияни қабул қилиши билан белгиланадиган бўлди. Мана шундай мураккаб, зиддиятли XXI аср бугунги кунда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон харитасида пайдо бўлди.

Президент Ислам Каримов ўзининг асарлари, маъруза ва нутқларида мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий тамойилларининг назарий ва Амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат. Мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очкилик; Давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш; Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш; Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик; Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш; Ички миллий қонунлар ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидалар ва нормаларининг устуворлиги; Давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш ва улардан ажралиб чиқиш; Тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик; Давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик; Давлат миллий манфаатларининг устуворлиги; Ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига, бошқасидан ўзоқлашмаслик.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати, уни жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олинисини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги 165 та давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, иқтисодий, илмий техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 43 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Шунингдек, Ўзбекистонда 88 хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда– АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Хитой, Покистон, ва бошқаларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ва консулликлари ишлаб турибди.

Ўзбекистон 1992 йил февраль ойда тинчликни мустахкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот – Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЕХХТ) аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг хошироодаси ва таклифига кўра 1992 йил 2 мартда БМТ га қабул қилинди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг Тўла тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. 1993 йил февралда Тошкентда БМТ нинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади. Президент И.А.Каримовнинг БМТ бош Ассамблеясининг 1993 йил сентябрда бўлган 48 чи сессиясида иштирок этиши ва унда қилган маърузаси Ўзбекистонни жаҳонга кўхна ва навқирон давлат сифатида намоён қилди. 1993-1997 йилларда БМТ ваколатхонасига Хомид Малик бошчилиқ қилди. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилиши маросими бўлди. Мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари Хива ва Бухоро ЮНЕСКО нинг жаҳон маданият қадриятлар рўйхатиға киритилди. Бу рўйхатда 411 та объект бор. Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир. У бўлажак жаҳон парламентининг тимсоли бўлиши Парламентлараро Иттифосса аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистон билан Атлантика малакатлари ташкилоти - НАТО Ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд.1995 йил июль ойида Ўзбекистон НАТО нинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастуриға қўшилди. Ўзбекистон бу дастурдаги иштирокиға ўз мустақиллигини мустахкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқларидан фойдаланиш нуктаи назаридан қарайди. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида 1995 йилда АҚШ да 1997 йили Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий техник тайёргарлигини янада кўтаришға хизмат қилди.

СССР тарқалиб кетганлан кейин 1991 йил 8 декабрда Россия, Украина ва Беларус раҳбарлари Беловежское Пушчеда (Минск, Беларус) Мустақил давлатлар Ҳамдуствлиги (МДХ) ни тузиш тўғрисида битим имзоладилар. 1991 йил 21 декабрда Алмагада Собиқ СССР нинг 11 та Республикаси «Мустақил давлатлар ҳамдуствлигининг мақсад ва тамойиллари тўғрисидаги шартнома» ни имзоладилар. Мазкур ҳужжатда СССР давлатининг фаолияти ва СССР Конституцияси тўхтатилди деб эълон қилинди. 1993 йилда МДХ га Грузия қўшилди, 1991 йил 31 декабрда МДХ давлатлари бошлиқларнинг кенгашида

МДХ мамлакатлари Ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган тузим масалалар кўриб чиқилди. 1992 йил 15 майда Тошкентда ўтказилган МДХ мамлакатларининг навбатдаги кенгашида молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик тўғрисида чегара қўшинларини пул билан таъминлаш тўғрисида қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида битимлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. МДХ ташкил этилганидан бери ўтган даврда ҳаммаси бўлиб иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий сиёсий, ташкилий ва умумий соҳаларга оид 1300 га яқин масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар имзоланди. Аммо қабул қилинган ҳужжатларни аксарияти кигозда қолиб кетди.

Ўзбекистон МДХга аъзо бўлган мамлакатлар билан икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб боради. Ўзбекистон ва Россия Ўртасида ўзаро муносабатлар ўзаро тенглик манфаатдорликка асосланади. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг 2001 йил 3-5 май кунлари, 2004 йил апрель ойида Россияга ташрифи ва Россия Федерацияси Президенти В. Путиннинг 2004 йил июль ойида Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат Ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтарди. 2004 йил 16 июнда Ўзбекистон ва Россия федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида битим имзоланди. 1995 йил 20-21 июл кунлари Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистонда бўлди. И. Каримовнинг 1990 йил октябрида Украинида сафари чоғида Ўзбекистон ва Украина Ўртасида 1999-2008 йилларга мулжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган. Ўзбекистон ва Украина Ўртасида 1992-2003 йилларда турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича 80 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари Ўртасида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик қилмоқда. 1994 йил 21-22 декабр кунлари Беларусь республикаси Александр Лукашенко расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Музокаралар чоғида давлатлараро ҳам ҳар икки мамлакат муаммолари муносабатларига доир 18 та ҳужжат имзоланди. 1995 йил 5 сентябрда Грузия давлат раҳбари, Республика Парламенти раиси Эдуард Шеворнадзе расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. И. Каримов ва Э. Шеворнадзе томонидан Ўзбекистон ва Грузия Ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. 1996 йил 27 май кунин И. Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегацияси Озарбайжонда бўлди. Турли соҳаларга тегишли 20 га яқин ҳужжатлар имзоланди.

Марказий осий давлатлари бошликларнинг биринчи учрашуви 1990 йил июнь ойида Алмата шаҳрида бўлиб ўтди. Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви 1991 йил 13-15 август кунлари Тошкент шаҳрида бўлди, ундаги энг муҳим ҳужжат– Ўрта Осий ва Қозоқистон республикалар аро маслаҳат Кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди. 1993 йил 4 январда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг Тошкентда учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги учрашувда Марказий осий ҳамдустлигига асос солинди. Шу тариқа Жаҳон сиёсий сўзлигида «Марказий Осий» деган янги атама пайдо бўлди. 1994 йил 30 апрель куни Чупон ота шаҳрида Ўзбекистон, Қозоқистон, Қирғизистон Ўртасида ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисида шартнома имзоланди. 1997 йил 9-10 январ кунлари Бишкекда Ўзбекистон, Қозоқистон, Қирғизистон абадий дўстлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Терроризм – инсоният душмани, тараққиёт ва юксалиш кушандаси.

Терроризм турли мамлакатларда турли шаклларда ва турли мақсадлар асосида дунёга келади, кўпаяди ва яшайди. 1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳринининг бир неча жойида кучли портлашлар юз берди. Натижада 6 нафар бегуноҳ киши ўлди. Террорчилар бу хатти ҳаракатлари билан бутун мамлакат, аҳолисини қаҳр қазабини уйғотди. 1993 йилда чет элга қочиб кетган собиқ «Эрк» партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳ ҳам террорчилик раҳбарлари алоқада бўлиб, 1993-1999 йилларда қатор жиноий ишларга қул, урди. Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асарида, БМТ, ЕХХТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар минбаридан туриб халқаро жамоатчиликни терроризмга қарши умумий курашга даъват этди. Фақат 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШ га уюштирилган террорчилик ҳаракати бутун Дунё жамоатчилигини терроризмга қарши самарали кураш олиб боришга дават этди.

Ўзбекистон билан АҚШ Ўртасида давлатлараро алоқалар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйилди. 1992 йил 16 март куни Тошкентда биринчи бўлиб АҚШ нинг элчихонаси очилди. Ўзбекистонда 1996 йил бошларигача 200 та Ўзбек –Америка қўшма корхоналари ташкил топди. Тошкент – Нью– Йорк бевосита ҳаво йўли очилди. Мурунгауда АҚШнинг Ньюмонт майнинг корпорацияси билан ҳамкорликда олтин ва қумуш ажратиб олувчи қўшма корхона қурилди. Бу корхонада 2002 йилгача

83 тонна олтин тайёрланди. Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг 1996 йил 23-28 июль кунларида АҚШ да бўлиши, 25 июнь куни Президент Клинтон билан учрашуви Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларини янги поғонага кўтарди. 1996 йил 25 июнь куни Ўзбекистонни АҚШдаги элчихонаси очилди. 2002 йил 11-14 март кунлари Президент Ислам Каримов расмий давлат ташрифи билан АҚШ да бўлиб, президент Жорж Буш билан учрашди. «Ўзбекистон билан АҚШ Ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация» имзоланди.

Ўзбекистон Респуликасининг жахон ҳамжамиятига интеграциялашувида Европа иттифоки мамлактлари билан ўзаро манфаатли алоқларни йўлга қўйиш алохида ўрин тутди. 1996 йил 21 июнда Флоренция шаҳрида имзоланган Ўзбекистон билан Европа иттифоки Ўртасидаги «шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим», унинг т1999 йил 1 июлда кучга кириши мамлакатимизининг Европа иттифоки мамлакатлари билан ўзаро муносабатларини ҳуқуқий негизига айланди. И. Каримовнинг 1993 йил 28 апрель куни бошланган ва 5 кун давом этган расмий ташрифи Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1994 йил 1 сентябрда ГФР пойтахти Боннда Ўзбекистон Респуликасининг Европада биринчи элчихонаси очилди. 1993 йил 28 -30 октябр кунлари Ўзбекистон делегациясининг Францияга расмий ташрифи икки давлат Ўртасида ҳамкорликка асос солди. Парижда «Ўзбекистон Респуликаси ва Франция Респуликаси Ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома» имзоланди. 1993 йил 22-25 ноябр кунлари Ўзбекистон президенти И. Каримов расмий ташриф билан Буюк Британияда бўлди. «Ўзбекистон Респуликаси ва Буюк Британия Ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим» имзоланди.

Ўзбекистон Оснё мамлактлари билан давлатларо муносабатлар ўрнатишга киришди. 1991 йил 16-19 декабр кунлари Ислам Каримов бошлик Ўзбекистон делегацияси мамлакатмиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган Туркия Респуликасига ташриф буюрди. 1992 йил 28 апрель куни Ўзбекистонда Туркия Элчихонаси Туркияда Ўзбекистон элчихонаси очилди. Ўзбекистон ва Туркия Ўртасидаги товар айрибошлаш 1998 йилда 275 млн АҚШ долларига етди. 1992 йил 27-28 июнь кунлари Покистон Ислам Респуликаси бош вазири Мухаммад Навоз Шариф Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Ўзбекистонда Покистон сармоялари иштирокида 120 га яқин

қўшма корхоналар тузилган. 1992 йил 12-14 марта кунлари Ўзбекистон Президенти И. Каримов ХХР га расмий ташриф буюрди. Сафар чоғида ҳамкорликни турли соҳалари бўйича 20 га яқин ҳужжатлар имзоланди. 1994 йил 18-20 апрель кунлари ХХР давлат Кенгашининг раиси Ли Пен Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистонда 78 та Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Шарқнинг энг ривожланган мамлакати Япония билан ҳамкорлик қилмоқда. 1995-2002 йилларда Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган кредитлари миқдори 1,6 млрд, АҚШ долларини ташкил этди.

1994 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Улуғбек йили деб эълон қилинди ва унинг 600 йиллиги нишонланди. Тантанали маросимда президент И. Каримов «Улуғбек руҳи барҳаёт» мавзусида нутқ сўзлади. Президент ўз нутқида бобокалонимиз Амир Темурнинг суюли набираси Мирзо Улуғбек нафакат одил ҳукмдор балки жаҳон алломалари сафидан муносиб ўрин эгаллаган иқтидорли олим эканлигини унинг астрономия соҳасидаги эришган ютуқлари бугунги кунда ҳам ўз, аҳамиятини йўқотмаганлигини таъкидлади. Мирзо Улуғбек ўзбек халқининг буюк фарзанди, унинг руҳи авлодлар қалбида доимо барҳаёт эканлигини билдирди. Дарҳақиқат бугунги ва келажак авлод буюк бобокалони Улуғбек Мирзо билан фахрланади.

Президент И. Каримов 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчилар билан учрашиб, тарихчилар олдида турган бугунги долзарб вазифаларни муҳокама қилди. Президент давра суҳбатида тарих фанининг аҳамияти хақида гапирар экан «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» эканлигини ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини яратиш бугунги кун талаби эканлигини билдирди. Давра суҳбатида Президент совет даврида яратилган синфийлик, иловинистик руҳда ёзилган тарих хулосаларидан воз кечиб аниқ далилларга асосланган Ўзбекистон тарихини яратиш зарур эканлигини, Ушбу ишни амалга ошириш учун давлат ҳар томонлама қўмаклашишга тайёр эканлигини билдирди. Совет даврида ҳам ҳар қандай мафкуравий тазниқлардан кўркмай ўзбек халқи манфаатини ҳимоя қилган. Яхё Фуломов каби олимлар анъаналарни давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

1995 йил декабрда Президент Каримов 1996 йилни Амир Темур йили деб аташ тўғрисида фармон эълон қилди. Темур тузуқлари бир неча тилга таржима қилинди. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи 1996

Йил 21-24 апрель кунлари Франция пойтахти Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳнамолигида нишонланди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифни гуллаб яшнаши» мавзусида халқаро конференция ва кўргазма уюштирилди. Марказий Осиё халқлари маданиятини қайта тиклаш ва тарғиб қилишдаги хизматлари учун ЮНЕСКони ўша пайтдаги директори Ф. Майорга «Дўстлик» ордени топирилди. Франциялик машҳур олим, Темур ва Темурийлар даврининг зукко билимдони Л. Керен «Шухрат» медали билан мукофотланди. Ўзбек – Француз алоқалари ўзоқ тарихга эга. Франция Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси президенти билан учрашганда Амир Темурнинг 1402 йил француз қироли Карл II га, йўллаган мактубини совға қилишда ҳам рамзий маъно бор. Хуллас, мустақиллик даври том маънода хазрати Темурнинг қайта тузилиш даври бўлди. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини муносиб баҳолаш ва иззатини ўрнига қўйишда шаҳсан Президент И.Каримовнинг ўзи ташаббускор бўлди. Амир Темур фаолиятига оид турли адабиётлар нашр этила бошланди. «Темур тузуклари» нашр этилди. Амир Темур тузукларини уқисам – деган эди президент Каримов – худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандай бўламан.

Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870 й) ҳадис илмида мусулмон оламида нуфузли инсон бўлган. Имом Бухорий жами 600 минг ҳадисларни туплаган. Унинг энг машҳур асари «Ал-жамийъ-ас-саҳийх» (нишонarli тўплам) асари тўрт жилддан иборат бўлиб, бу тўпламга олимнинг бутун умри давомида тўплаган 600 минг ҳадисдан 7275 та энг мукамал ҳадислар кирган. Нишопурлик ал Ҳаким (1025 йилда вафот этган)нинг маълумотларига қарганда имом Бухорий устозларининг сони тўқсон киши атрофида бўлган Айни замонда ўзлари ҳам минглаб шогирдлар етиштирганлар. Муслим ибн Ҳажоҗ, Исо ат-Термизий ва бошқалар шулар жумласидандир. Хуллас, буюк ватандошимиз имом Бухорий қолдириб кетган бой маънавий мерос авлодларимизни бундан кейин ҳам улуғ инсонни фазилатлар руҳида тарбиялашдек олийжаноб мақсад йўлида хизмат қилаверди.

Одлохнинг муруватига муяссар бўлган улуғ авлиё ва вали – Хожа Баҳоуддин Нақш Бандир. Баҳоуддиннинг касби темир ва бошқа нарсаларга гул солувчи бўлган. Шу сабабли у кишининг лақаби «Нақшбанд» бўлган.

Бахоуддин Нақшбанд ўзидан икки аср олдин ўтган Абдуҳолик Гиждувоний рухларидан маъдад олган, уни ўзига пир ва устоз деб билган. Бахоуддин Нақшбандий тарикатда «Нақшбандия» йўналишининг асосчиси бўлиб, унинг мохияти куйидаги мисраларда ўз аксини топган: «Дастба қору, дилба ёр» (қўл ишда, Оллох дилда) бўлсин, деб ҳаммани фойдали меҳнатга жалб этган. Ҳазрати Соҳибкирон Амир Темурдек улуг зот ҳам Нақшбан тарикатига амал қилган. XV асрда, Нақшбандия тарикатини самарали давом эттирган улуг шайхлардан бири – Хожа Убайдуллох Аҳрордир. Хожа Убайдуллох Аҳрор Шош вилоятининг тоғли Боғистон (ҳозирги Бустонлик) кишлоғида дунёга келган. У ўша даврнинг энг бадавлат кишиси бўлиб, шунча бойлигига қарамасдан оддий, хўжрада фақирона ҳаёт кечирган. Барча топган давлат ва бойликларини Оллох йўлига деб бева бечораларга, камбағалларга сарф қилган. Хожа Убайдуллох Аҳрорнинг «Фикрат ул орифин», «Рисолаи волидия» каби асарлари мавжуд. Ҳуллас, Мовароуннахр тупроғида комил инсон даражасига кўтарила олган Хожа Абдуллох Аҳрор ўз даврининг маънавий ижтимоий ҳаётида ўчмас из қолдирди.

Инсон жамият аъзоси экан, доимо турли гуруҳ ва жамоларини вакили сифатида уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни ҳар бир шахснинг феъл-атворда, хатти ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, халқ, жамоа ва оиланинг ижобий ёки салбий таъсири бўлади. Ҳақиқий тарбиянинг турли хил услуб ва воситалари мавжуд. Бунда буюк инсонлар ҳаёт фаолиятидан мисоллар келтириш, таъсир кўрсатувчи шахснинг воизлик қобилияти, ахборотнинг мазмуни каби факторлар муҳим аҳамиятга эга. Психологик нуқтан назардан аудиториянинг асосан тўрт хил тури фарқланади. 1. Пассив ўзлаштирувчи аудитория. 2. Фаол, ижтимоий жихатдан баркамол аудитория. 3. Эътиқодни суёт аудитория. 4. «Муҳим уй» аудиторияси.

Комил инсонни тарбиялашда бой тарихий утмишимиз муҳим аҳамиятга эга. Тарихимизда фахрлана оладиган, келажак авлод учун ибрат бўла оладиган қўплаб саркарда ва алломаларимиз борки, бу борада ўзбек халқи билан рақобатлашадиган халқлар камдан кам топилади. Биргина ўзбек тили ва адабиётини юксак поғонага кўтарган шоир ва давлат арбоби, комил инсон даражасига етган Мир Алишер Навоий ҳаёти ҳар бир ўзбек миллатига мансуб кишилар учун ибрат ҳисобланади. Бундан ташқари, соҳибкирон Амир Темурнинг «Куч адолатда» деган шиори, Нажмиддин Кубронинг муғуллар томонидан Урганч қамал қилинганда «Ё Ватан, ё шарофатли ўлим» деган

чақириги ёшларни Комил инсон қилиб тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фани аҳамиятини оширади.

Президент Ислом Каримовнинг «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» номи рисоласи Президентнинг II жилдик асарлар тўпламини 8-жилди ҳисобланади. Ушбу рисолада И. Каримовнинг иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги (2000 йил 22 январь) маърузаси ҳамда бошқа маъруза ва нукталари ўрин олган. Президент ўз маърузасида бугунги кунда барча соҳаларида жумладан, сиёсий, давлат, қурилиш ва бошқаруви, иктисодиёт, маънавият, ташқи сиёсат, хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги вазифаларни белгилаб берди. Президентнинг 1999 йилда нашрдан чиққан «Оллоҳ қалбимизда юрагимизда» асари Ўзбекистонда қурилаётган эркин демократик жамиятда ислом динининг ўрни, дин, давлатдан ажралган бўлса ҳам жамиятдан ажралмаганлиги, шунингдек, Ўзбекистонда Конституциянинг 31-моддасига биноан виждон эркинлиги қафолатганлиги, аммо дин ниқоби остида ҳокимиятга тажовуз қилинишига йўл қўйилмаслигини, Оллоҳ ҳар бир инсонни қалбидан, юрагидан яшаши зарурлиги, каби фикрлар ўрин олган.

Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон бозор мунособатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асари 1993 йилда нашр этилган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг собиқ СССР давридаги режалаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иктисодиётдан ҳолос бўлиб, бозор иктисодиётига ўтишнинг назарий йўллари кўрасатиб берилган. Асарда И. Каримов мазкур асарда мамлакатнинг дастлабки йилларида ривожланиш жараёнини чуқур таҳлил этиб, Ўзбекистон давлат қурилиш ва иктисодиётни ислоҳ қилиш дастўрининг ўзаги сифатида бешта тамойил ўртага ташлади.

Президент И. Каримовнинг 1997 йилда нашр этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари» асарида XXI аср бўсағасида Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид, солаётган, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар, минтакавий можаролар каби ҳолатлар таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш йўллари, кўрсатиб берилган. Шунингдек асрда Ўзбекистон таракқиёти қафолатини белгилувчи табиий хом ашё ресурслар, интеллектуал салоҳиятини юқорилиги каби омиллар таҳлил этилиб, улардан унумли фойдаланиш муҳимлиги таъкидланган.

Комил инсон ғояси – ҳам илмий ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни хамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб қолган. У ислом фалсафасидан озикланиб, янада кенгрок маъно-мазмун касб этган. Баркамол инсон, ҳақидаги юксак ғоялар Абул Наср Фаробий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларимизнинг асарларида айниқса теран ифода этган. Комиллик меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат, каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуидир. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт, барпо этиш бўлиб, унинг мазмуни халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятни белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясида озодлик тушунчасининг устивор ва етакчи ўринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу интилишларимиз, Амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради.

Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари бир-бири билан ўзвий алоқадордир. Улар ўз навбатида умуминсоний қадриятлар устиворлиги талабларига тўла тўқис мос келади. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари сирасига инсонпарварлик виждон эркинлиги, фикрлар ранг баранглигини қарор топтириш, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги миллий қадриятларга содиқлик, ҳаётни эркинлаштириш мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, сарҳадлар дахлсизлигини таъминлаш ва бошқалар кирди. Миллий истиқлол мафкурасининг ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади. Бунда қуйидаги вазифаларни назарда тутиш лозим; ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш, мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбиянинг бугунги кун талаблари даражасига кўтариш; педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш ва ҳоказо. Фан, ва илмий муассасалар миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бу борада қуйидаги масалаларига асосий эътибор қаратиш зарур; аҳолининг ижтимоий хусусиятларини (маълумоти, ёши, жинси касби ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда миллий истиқлол мафкурасини самарали

йўллари кенг кўламда илмий тадқиқ этиш; мафкуравий тахдидлар ва уларга Қарши курашнинг самарали йўллари ҳақида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Юрт тинчлиги – бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётини барча босқичларида, аввало тенглик тотувликка интилиб қилган. Юрт сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Босқинчилик ҳаракатлари, миллий, диний ва бошқа низолар оқибатида урушлар олиб борилиши, минг йиллар мобайнида жамият тараққиётига тўскинлик қилиб келди. Ўтган беш минг йилда инсоният 15 мингдан ортиқ урушини бошидан кечирди. XX асрдаги иккита жаҳон урушида 60 млн киши ҳалок бўлди. Афсуски, бу иллатдан инсоният ханузгача Тўла қутулиш имкониятига эга бўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок биз юрт тинчлигини энг асосий бойлик сифатида асраб келмоқдамиз. Юксак маънавият сиёсий маданият, миллатнинг ғоявий, мафкуравий етуклиги юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омилдир.

Ўзбекистон жамиятнинг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра халқимизнинг асосий мақсад муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истаклари амалга оширишга ҳизмат қиладиган ғоялар тизимидир. Миллий истиқлол мафкурасининг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун кадрлилиги шундаки, унинг моҳиятида қуйидаги умуминсоний тамойиллар ётади. Миллий истиқлол мафкураси: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний кадриятлар демократик тамойилларга асосланади; халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади; жамият аъзоларини, аҳолини барча қатламларини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади ва ҳоказо. Миллий истиқлол мафкураси, ўз мазмун моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий тараққиётига ҳизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг – бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди.

Миллий истиқлол мафкурасининг маъно мазмунини белгилайдиган асосларидан бири – халқимизнинг қадимий ва бой тарихидир. Чунки тарих – буюк мураббий. У инсонга ибратли ҳулосалар берибгина қолмасдан баъзан аччиқ сабоқларни ҳам тан олишга ундайди. Тарихга берилган ҳолис баҳо мафкуранинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигига асос бўлади. Мухтасар қилиб

айтганда миллий мафкурамизнинг тарихий илдишлари деганда ажодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, тафаккур тарзи, бунёдкорлик ишлари, фуқароларимиз учун намуна бўлиши, хато камчиликларидан эса тўғри, хулоса ва сабоқлар чиқариш учун асос бўлиши тушунилади. Мафкурамизнинг фалсафий асосини, аввало миллий – ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий билимлар, жакон фалсафаси дурдоналари белгилайди. Фаробийнинг адолатли жамият, Ибн Синонинг дуализм таълимоти, Алишер Навоийнинг Комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари миллий ғоя ва мафкурамизнинг теран томирларидир. Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асоси, шунингдек, қадимги Шарқ Юнон, Рим ва бошқа фалсафа мактабларининг меросига ҳам таянади.

Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олийжаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбек том маънода бунёдкордир» деган сўзларида ҳам ана шу боқий ғояларнинг маъно-мазмунини ўз ифодани топган. Зардуштийлик дини Пайгамбари Зардушт яратган «Авесто» китобида қуйидаги сатрлар мавжуд. «Эзгу фикр, эзгу сўзлар айтишга, эзгу ишлар амалига бахшида этаман, барча ёмон фикрлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман» Кўхна Турон ўз бошидан кечирган буюк тарихий воқеалар ичида Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва Амалий фаолияти катта аҳамиятга эга. У гарчи фотехлар каторидан ўрин олиб, беҳисоб жангу жаддаларни бошидан кечирган бўлсада, асосий мақсади бунёдкорлик ва яратувчилик бўлган. Миллий давлатчилик ғояси ва унинг халқаро тараққиётга ижобий таъсирини мустақил Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик, минтакавий тинчлик, миллатлар аро тотувлик борасида олиб бораётган сиёсати барқарорлик ҳукм суришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсоният тарихида ғоя ва мафкуралар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Улар инсонни ўзи каби азалийдир. Тарихий қонуният шундан далолат берадики, бир ижтимоий тузумдан, иккинчига ўтиш даврида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари, ғоявий мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиш зарурати юзага келади. Маълумки, умрини ўтаб бўлган ғоя, ҳақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилар экан, жамиятда янги бир ғоя, илғор бир фикрнинг шаклланишига эҳтиёж туғилади. Бу зарурат теран англаб етилмаган ҳолда эса ғоявий вакуум

самарали йўллари кўрсатиб берилган. Жумладан, биринчи босқичда иккита хал қилувчи вазифа хал этишга тўғри қилганлиги таъкидланади. Булар: Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иктисодиётни барқарорлаштириш, республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларин ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришдан иборат. Хусусийлаштириш давомида хал қилинадиган иккинчи муҳим вазифа – кўп укладли иктисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборат эканлиги кўрсатилади.

Президент И.Каримовнинг 1998 йилда нашр этилган «Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» рисоласи бугунги кунда мафқуранинг, ғоянинг жамият ҳаётида ўта муҳимлиги аниқ далиллар асосида кўрсатиб утилган. Президент фикр қарамлиги, тафаккур кўлиги ҳар қандай иктисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра дахшатли эканлигини билдириб, ғояга қарши фақат ғоя, фикрга Қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкинлигини мафқурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотишни, мафқура полигонлари, ядро полигонларидан ҳам кучли эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, Президент бугунги кунда кишилик тараққиётида ақл – идрок, илғор технологиялар хал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Амир Темур бобомизнинг «куч адолатда» «Куч – билим ва тафаккурда» деган фикрни билдирди.

Таянч иборалар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Давлат рамзлари, Тараққиётнинг Ўзбек модели, сиёсий ислохатлар, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқаролик жамияти, Сиёсий партиялар, Бозор иктисодиёти, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Аграр ислохатлар, Халқаро алоқалар, Миллий ғоя.

Саволлар

1. Мустақиллик давридаги сиёсий тизим собиқ совет давридаги сиёсий тизимдан нимаси билан фарқ қилади?

2.Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлининг моҳияти нимадан иборат?

3.Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шаклларига утилишидан кўзланган мақсад нима?

4.Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг моҳияти нимадан иборат?

5.Миллий истиқлол ғоясининг миллий хусусиятлари нималардан иборат?

Адабиётлар

1.Каримов.И.А Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, Шарқ, 1998 й

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент, Ўзбекистон, 1992 й

3. Усмонов.Қ. ва бошқалар, Ўзбекистон тарихи, Тошкент, Иқтисод молия, 2006 й

4. Левитин. Л. –Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида, Тошкент,Ўзбекистон, 2001 йил

5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, Тошкент, Ўзбекистон, 2000 йил.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов. И.А – Мустақиллик: изоҳли илмий – оммабоб луғат. Тошкент, Ўзбекистон. 2000 йил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 1998 й
2. Каримов. И.А – Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, Шарқ, 1998й
3. Каримов. И.А – Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1 чи жилд, Тошкент, Ўзбекистон. 1996 йил
4. * Каримов. И.А – биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 1996 йил
5. Каримов. И.А – Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 1996 йил
6. Каримов. И.А – Адолатли жамият сари. Тошкент, Ўзбекистон. 1998 йил

7. Каримов. И.А – Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 йил
8. Каримов. И.А – Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 йил
9. Каримов. И.А – Оллох қалбимизда, юрагимизда. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 йил
10. Левитин. Л – Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Тошкент, Ўзбекистон. 2001 йил
11. Миллий истиклол гоҳиси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, Ўзбекистон. 2000 йил
12. Бойназаров. Ф. – Антиқ Дунё. Тошкент, Меҳнат. 1989 йил
13. Сулаймонова. Ф. – Шарқ ва Ғарб. Тошкент, фан. 1992 йил
14. Мирзо Улугбек – Тўрт улус тарихи, Тошкент, Чўлпон. 1994 йил
15. Шониёзов. К – Қанг давлати ва қанглилар. Тошкент, фан. 1990 йил
16. Наршахий – Бухоро тарихи. Тошкент, Камалак. 1991 йил
17. Иванов. М. – Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, фан. 1994 йил
18. Вамбери Херман – Бухоро ёки Моворуннаҳр тарихи. Тошкент, фан. 1990 йил
19. Зиёев. Х – Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Тошкент, Шарқ. 1998 йил
20. Зиёева. Д – Туркистон миллий овозидек ҳаракати. Тошкент, Ғофур Ғулом. 2000 йил
21. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-қитоб Ўзбекистон совет мустамлақчилиги даврида. Тошкент, Шарқ. 2000 йил.

МУНДАРИЖА

1. КИРИШ.....	3
2. ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ.....	3
3. ҚАДИМГИ ДАВР: ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	8
4. ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ.....	13
5. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ.....	32
6. МУСТАБИД СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИ.....	38
7. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ.....	54

2000